

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

З.М.БОБУР НОМИДАГИ АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИ КАФЕДРАСИ

Қўлёзма ҳуқукида

ҚОБИЛОВ АЗАМАТ ОДИЛОВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОН МАХСУС ПОСЁЛКАЛАРИДАГИ
ҚУЛОҚЛАРНИНГ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДАГИ МЕҲНАТ
ФАОЛИЯТИ
(1930-1954 йиллар)**

Ихтисослик: 5А 220201 «Ватан тарихи»

Тарих магистри даражасини олиш учун

ДИССЕРТАЦИЯ

Иш кўриб чиқилди ва
ҳимояга қўйилди.

Ўзбекистон тарихи кафедраси
муdiri: **проф. Р.Т. Шамсутдинов** _____

Илмий раҳбар:
т.ф.н. М.Ғ. Абдуллаев _____

«__» _____ 2011 й.

Андижон-2011

МУНДАРИЖА

| | |
|---|---------|
| КИРИШ | 3 - 15 |
| 1-боб. ЎЗБЕКИСТОНДА МАХСУС ПОСЁЛКАЛАР ТИЗИМИНИНГ ТАШКИЛ ТОПИШИ | |
| 1.1. Ўзбекистонда қулоқ оилаларининг сургун қилиниши ва меҳнат посёлкаларининг ташкил топиши | 16 - 30 |
| 1.2. Сургун қилинганларни жойлаштириш ва хўжалик жиҳатдан уюштириш | 30 - 39 |
| 2-боб. СУРГУН ҚИЛИНГАН ҚУЛОҚЛАРНИНГ БУНЁДКОРЛИК ФАОЛИЯТИ | |
| 2.1 Махсус кўчирилганлар меҳнатини ташкил қилиш формалари | 40 - 50 |
| 2.2. Сургун қилинганларнинг пахтачилик соҳасидаги меҳнат фаолияти | 50 - 63 |
| ХУЛОСА | 64 - 66 |
| Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати ... | 67 – 73 |
| ИЛОВА | |

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги. Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги йилларида Ўзбекистон тарихининг яхши ўрганилмаган, советлар ҳукмронлиги йилларида сохталаштирилган саҳифалари тамоман қайтадан яратилмоқда. Ҳаққоний тарихни яратиш ва уни халқимизга етказиш ишларига шахсан Президент И.А.Каримов бошчилик қилмоқдалар. Юртбошимиз Ўзбекистон тарихи ва унинг халқимиз маънавий ҳаётида тутган ўрни хусусида қуйидагиларни айтиб ўтган эди: “миллий ўзликни, миллий ифтихорни тиклаш ва ривожлантириш жараёнида тарихий хотира, халқнинг, жонажон ўлканинг объектив тарихини, давлат ҳудудини тиклаш ниҳоятда муҳим аҳамиятга эгадир”¹.

Истиклолимиз бизга олиб келган энг катта неъматларидан бири ўз тарихимизни мустамакчилик иллатларидан озод ҳолда ўргана олиш имконияти бўлди. Йиллар давомида биздан яшириб келинган совет иттифоқининг жирканч қилмишларини очилиши мустақилликка бўлган йўлимизнинг узоқ ва машаққатли бўлганини исботлайди. Совет даврида йўл қўйилган хатолар ва уларнинг оқибатларини ўрганиш бизнинг истиклол йўлимизни мустаҳкам бўлишини таъминлайди. Ҳозирги миллий ғоя, миллий мафкура ва ўз йўлимизни жадал шаклантириш даврида бу айниқса муҳим аҳамият касб этади. Тарихимизнинг энг фожеали даврларидан бири бўлмиш «қулоқ» қилинганлар ва «махсус кўчирилганлар» тарихини ёритиш ҳозирги Ўзбекистон тадқиқотчилари олдидаги муҳим вазифаларидан биридир. Бу давр Ватанимиз тарихида, нафақат Ватанимиз, балки бутун иттифоқ тарихининг бурилиш нуқталаридан бири бўлиб, сиёсий террор, шафқатсиз «қулоқлаштириш», кўплаб тажрибали деҳқонларни мамлакатнинг узоқ ва шароити оғир бўлган жойларга оилалари билан сургун қилиниши билан биргаликда давом этган. Бу давр ҳозиргача тарихчилар, иқтисодчилар, публицистларнинг баҳс-мунозаралари мавзуси сифатида баҳоланиб келмоқда. Сабаби, коллективлаштириш ва қулоқлаштиришнинг кўлами, уни ўтказиш методлари, қишлоқ хўжалигидаги салбий оқибатлари ва кўплаб инсонлар тақдирига кўрсатган таъсиридадир.

Коллективлаштириш ва қулоқ қилиш жараёнида бутун иттифоқда бўлгани каби Ўзбекистонда ҳам қулоқ хўжаликлари сургун қилинган махсус меҳнат посёлкалари тизими ташкил топди. Бу меҳнат посёлкалари қулоқларнинг арзон ишчи кучидан фойдаланишга асосланган эди. Қулоқлар сургун қилинган меҳнат посёлкалари Ўзбекистонда 1954 йилгача фаолият кўрсатди ва улар совет давлати жазо органлари бўлган ОГПУ-НКВДнинг доимий назоратида бўлди. Лекин уларнинг тарихини ўрганиш мустақилликка қадар

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Тошкент, “Ўзбекистон”, 1997. – 34-бет.

мумкин бўлмади. Чунки, уни ўрганишга, тадқиқ этишга коммунистик мафкура имкон бермади. Истиқлол йилларидагина ушбу масалани ҳаққоний ва ҳар тарафлама ўрганиш имкони юзага келди. Шу сабабли ҳам, Ўзбекистондаги қулоқлар сургун қилинган махсус (меҳнат) посёлкаларидаги қулоқларнинг қишлоқ хўжалигидаги меҳнат фаолиятини тарихшуносликнинг бугунги кун талаблари бўйича ўрганиш долзарб вазифалардан биридир.

Мавзунинг долзарблиги яна шу билан изоҳланадики, қулоқ қилиш натижасида ўзбек қишлоғига хос бўлган тадбиркорлик, мулкка эгалик, меҳнатдан манфаатдорлик хисси каби қадриятлар бўғиб қўйилди ва йўқ қилинди. Ўзбек қишлоғидаги ижтимоий қатламлар орасига ўзаро адоват, душманлик солинди. Энг муҳими эса, деҳқонларнинг тадбиркор, ишбилармон қатлами тамоман йўқ қилинди, улар махсус посёлкаларидаги мажбурий меҳнатга жалб қилинди. Совет тузуми йўқ қилиб ташлаган ўзбек қишлоғининг мазкур қадриятларини ҳамда тадбиркор, ишбилармон қатламлари тарихини ўрганиш орқали қишлоқда асрлар давомида шаклланган мулкдорлик хиссини қайта тиклаш уни бугунги кунда ватанимизда кечаётган аграр ислохотларни чуқурлаштириш йўлида тадбиқ этиш ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Маълум маънода мавзунинг долзарблиги тарихшунослигимизда мавжуд бўлган камчиликларни тўлдириш билан ҳам белгиланади. Маълумки, мустақиллик йилларида Ўзбекистондаги махсус посёлкаларга сургун қилинган қулоқларнинг қишлоқ хўжалигидаги меҳнат фаолияти мавзуси алоҳида диссертацион тадқиқот объекти сифатида ўрганилмаган. Айни шу ҳолатдан келиб чиқиб, биз мазкур мавзуни магистрлик диссертацияси ўрганиш объекти сифатида белгиладик.

Мавзунинг ўрганилиш даражаси. Тарихшуносликда қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш, қулоқлаштириш, қулоқлар сургуни ва унинг оқибатлари масалаларига доир бир қанча илмий адабиётлар мавжуд. Ушбу асарларни икки гуруҳга - советлар ҳокимияти даврида яратилган ҳамда мустақиллик йилларида амалга оширилган тадқиқотларга ажратиш мумкин.

Адабиётлар таҳлили кўрсатадики, нашрларнинг катта қисми биринчи гуруҳга мансуб. Совет ҳокимияти йилларида Ўзбекистонда қишлоқ хўжалигини ёппасига коллективлаштириш ва қулоқлаштириш тарихига бағишланган кўплаб илмий ишлар қилинган. Айтиб ўтилганидек, бу асарларнинг барчаси совет даври андозалари асосида, синфийлик назарияси бўйича яъни, коммунистик мафкура ғояси руҳида яратилган. Шу сабабли ҳам тадқиқотчилар масаланинг барча мураккаблиklarини тўла очиб бера олмаганлар, манбаларга танқидий баҳо бера олмаганлар. Кўплаб ҳаққоний далиллардан четлаб ўтилган, қулоқ қилишнинг салбий жиҳатлари атайлаб яшириб кетилган. Мазкур

асарларда тарихий воқелик тўла ва ҳаққоний акс эттирилмаган, воқеа-ҳодисалар ўта сиёсийлаштирилиб кўрсатилган. Қисқача айтганда, коммунистик мафкура таъсири боис, қишлоқдаги «социалистик ўзгаришлар» кўкка кўтариб макталган. Қишлоқдаги йирик ер эгалари ва бадавлат, ўзига тўқ хўжаликларнинг тугатилиши, мол-мулкларининг мусодара қилиниши, ўзларининг эса узоқ ўлкаларга сургун қилиниши «феодал қолдиқларнинг йўқ қилиниши», «социалистик тузумнинг ғалабаси» сифатида баҳоланган.

Совет даври тарихшунослигида қулоқ қилиш ва қулоқ қилинган оилалар тақдири масалаларини яхлит ҳолда ва Ўрта Осиё республикалари миқёсида умумлаштирувчи махсус тадқиқотлар деярли йўқ ҳисобида. Бу борадаги тадқиқот ишлари фақат собик иттифоқ миқёсида маълум даражада амалга оширилган. XX асрнинг 30-40-йилларида қулоқ қилиш сиёсатининг моҳиятан қатағон характердалиги ҳамда бу йилларда авж олган оммавий сиёсий қатағонлар шароитида ушбу мавзу тадқиқотчилар учун ноқулай ва хавфли бўлиб қолди. Оқибатда, қулоқ қилиш масаласи қарийб 20 йил мобайнида тарихшуносликда тўлдирилмаган бўшлиқ бўлиб келди.

1940-50 йиллар охирида қишлоқ хўжалигини социалистик қайта қуриш тарихини ўрганишга тадқиқотчиларнинг қизиқиши бирмунча ортди. Тарихчи-тадқиқотчилар илмий изланиш мавзуларининг йўналиши асосан коллективлаштириш асосидаги «қулоқларни синф сифатида тугатиш» муаммосига қаратилган эди. Бу йилларда ушбу масалани тадқиқ этишга қаратилган бир нечта диссертацион ишлар юзага келди.¹

Бу йилларда қулоқларни синф сифатида тугатиш тарихига доир дастлабки мақолалар ҳам эълон қилинди.² Бу диссертация ва мақолалар ўта сиёсийлаштирилган ва мафкуралаштирилган руҳда бўлиб, унда «қулоқларни синф сифатида тугатиш»нинг назарий масалалари, маҳаллий партия ва совет органларининг амалиётни ўтказишдаги фаолияти айрим минтақалар мисолида ёритиб ўтилган. Бу тадқиқотлар кўлами айрим

¹ Гусев Т.К. Борьба за ликвидацию кулачества как класса на основе сплошной коллективизации в потребляющей полосе РСФСР (на материалах областей и автономных республик Горьковского края): Дисс. канд. истор. наук. –Москва, 1950; Ефанов К.И. Ликвидация кулачества как класса. (Декабрь 1929 – апрель 1932 гг.) По материалам левобережных районов Средневожского края.: Дисс. канд. истор. наук. – Куйбышев, 1952; Извекова А.К. Сплошная коллективизация и ликвидация кулачества как класса на Кубани.: Дисс. канд. истор. наук. –Москва, 1948; Оганесян Е.В. Ликвидация кулачества как класса в Армении на основе сплошной коллективизации.: Дисс. канд. истор. наук. –Ереван, 1949; Петровская Г.Н. Участие бедняцко-батрацких масс в проведение сплошной коллективизации и ликвидации кулачества как класса. (На примере важнейших зерновых регионов страны): Дисс. канд. истор. наук. –Москва, 1953; Плющев Г.К. Борьба за коллективизацию и ликвидацию кулачества как класса в Курском округе (1928-1931 гг.): Дисс. канд. истор. наук. –Курск, 1948; Уваров В.Д. Ликвидация кулачества как класса на основе сплошной коллективизации в УССР.: Дисс. канд. истор. наук. –Киев, 1949.

² Абрамов В.А. Ликвидация кулачества как класса на основе сплошной коллективизации сельского хозяйства. // Исторические записки. -М.: 1951; Бергауз Р.Е. Из истории классово-борьбы на Урале в период развернутого наступления социализма на капиталистические элементы в деревне (1929-1931 гг.) – Свердловск, 1959; Медведев В.К. Ликвидация кулачества как класса в Нижневожском крае. // История СССР, - М.: 1958, -№ 4.

минтақалар миқёсида бўлиб, миллий республикалардаги, хусусан, Ўзбекистондаги ўзига хосликлар ҳақида маълумотлар деярли учрамайди.

1960 йилларда «СССРда колхоз қурилиши ва совет деҳқонлари тарихи» номи фундаментал тадқиқот ва айрим мақолаларнинг яратилиши тарихшуносликдаги муҳим воқеа бўлдики, уларда кулоқларни синф сифатида тугатиш муаммоси ҳам тарихшунослик нуқтаи назаридан таҳлил қилинган.¹

Бу даврда «собик кулоқлар»ни қайта тарбиялаш ва улар тақдирининг айрим жиҳатлари ёритилган биринчи илмий мақолалар ҳам чоп этилди.² Бироқ бу йиллардаги кўпгина тадқиқотларда кулоқ қилиш ва собик кулоқлар тарихини ёритишда сиёсий ва мафкуравий ёндашувлар кучлилигича қолди. Натижада махсус кўчирилганлар муаммосининг энг муҳим масалалари қоронғулигича қолаверди.

1970 тарихшуносликка назарий жиҳатдан тамоман янги, муҳим фундаментал илмий тадқиқот асарлари қўшилдики, улар орасида Н.А.Ивницкий, И.Я.Трифоновларнинг монографиялари етакчи ўрин эгаллайди.³ Бу монографияларда қишлоқни социалистик қайта қуриш назариясининг ишлаб чиқилиши, унинг шарт-шароитлари янги илмий даражада кўрсатилган, қишлоқдаги синфий қурашнинг қонуниятлари ва формалари фактик материаллар асосида очиб берилган ҳамда кулоқ қилиш жараёнини комплекс тарзда таҳлил этишга ҳаракат қилинган.

Кулоқларнинг меҳнат асосида «қайта тарбияланиши» масаласи 1950 йиллар охирида С.П.Трапезников томонидан биринчи бор илгари сурилди.⁴ 1960-70 йилларда тарихшуносликда бир қанча фундаментал монография ва мақолалар пайдо бўлдики, уларда кулоқ қилиш масалалари, кулоқ оилаларининг сургун қилиниши ва уларнинг меҳнат асосидаги «қайта тарбияланиши» умумиттифоқ ва регионал миқёсларда ўрганилган. «Собик кулоқларни меҳнат асосида қайта тарбиялаш» масалалари

¹ История советского крестьянства и колхозного строительства в СССР. -М.: Академия наук СССР, 1963; Погудин В.И. Проблема ликвидации кулачества как класса в советской историографии. // Вопросы истории. - М.: 1965. -№ 4.

² Шуклецов В.Т. Из истории экспроприации и трудового перевоспитания кулачества в Сибирском крае. / Из истории партийных и советских организаций Сибири. –Новосибирск, 1962; Финаров А.А. К вопросу о ликвидации кулачества как класса и о судьбе бывших кулаков в СССР. / История советского крестьянства и колхозного строительства в СССР. -М.: 1963; Сидоров В.А. Мероприятия по трудовому перевоспитанию бывших кулаков. // Вопросы истории. - М.: 1964. -№ 11.

³ Сидоров В.А. Ленинский кооперативный план и ликвидация в СССР кулачества как класса. /Научные труды Московского института землеустройства, 1970. Вып. 32; Ломашвили П.Н. Ликвидация кулачества как класса в Закавказских Советских республиках.: Дисс. док. истор. наук. –Тбилиси, 1971; Ивницкий Н.А. Классовая борьба в деревне и ликвидация кулачества как класса. -М.: 1972; Трифонов И.Я. Ликвидация эксплуататорских классов в СССР. -М.: 1975; Саидалиев Э.С. Ликвидация кулачества как класса на основе сплошной коллективизации сельского хозяйства в Узбекистане в годы первой пятилетки.: Дисс. канд. истор. наук. –Ташкент: 1979; Трапезников С.П. Ленинизм и аграрно-крестьянский вопрос. В 2-х томах. -М.: 1983; Зеленин И.Е. О некоторых «белых пятнах» завершающего этапа сплошной коллективизации. // История СССР. -М.: 1984. -№ 6.

⁴ Трапезников С.П. Исторический опыт колхозного строительства в СССР и его международное значение. // Коммунист. -М.: 1958. -№ 5; Его же. История Коммунистической партии Советского союза. -М.: 1959.

В.Т.Шуклецов, А.П.Финаров, В.А.Сидоров, Н.А.Ивницкий, И.Я.Трифонов, А.А.Голубев таджикотларида ўз аксини топди.¹

«Кулоқлар сургуни» ва собиқ кулоқлар тақдири масаласи 1986 йилда аграр тарихчилар коллективи томонидан тайёрланган «СССР деҳқончилиги тарихи» номли 5 жилдлик фундаментал тадқиқотда биринчи бор таҳлил доирасига тортилди.² Унда «кулоқ» оилаларининг сургун жойидаги меҳнат фаолиятларига оид айрим маълумотлар мамлакатнинг марказий минтақалари ҳудудидаги меҳнат посёлкалари мисолида ёритиб ўтилган.

1980 йиллар иккинчи ярмида тарихшуносликда катта аҳамиятга эга бўлган янги тадқиқотлар яратилди. Уларда коллективлаштириш ва кулоқ қилиш жараёни янгича тафаккур ва илмий билимларнинг янги даражасида объектив ёритилди. Бу каби ишлар қаторига умумий хусусиятга эга бўлган О.В.Волобуев, С.В.Кулешов, В.П.Данилов, Н.В.Тепцов мақолаларини киритиш мумкин.³ Буларда коллективлаштиришнинг зўравонлик усуллари, кулоқ қилишнинг репрессив формалари танқидий таҳлилга тортилган, кулоқ қилинган, иттифоқнинг чекка минтақаларига сургун қилинган кулоқ оилалари миқдори ҳақида янги маълумотлар берилган ҳамда совет ҳукуматининг 1930 йиллардаги сиёсатига янгича баҳо берилган. Афсуски, бу ишларда ҳам сургун қилинган кулоқлар – махсус қўчирилганлар тақдири тўласинча ўз ифодасини топмаган. Шу боис, сургун қилинган кулоқ оилалари тақдирини янги архив ҳужжатлари асосида махсус ўрганиш ва бу асосда кулоқ қилиш сиёсати ва амалиётининг бутун фожиали жараёнларини тўлақонли ёритиш бу йилларда ҳам долзарблигича қолди.

Мазкур мавзуни ҳаққоний ўрганиш СССР парчаланиб, коммунистик мафкура барҳам топганидан кейингина бошланди. Мустақилликка эришган Ўзбекистон

¹ Шуклецов В.Т. Из истории экспроприации и трудового перевоспитания кулачества в Сибирском крае. / Из истории партийных и советских организаций Сибири. –Новосибирск, 1962; Финаров А.П. К вопросу о ликвидации кулачества как класса и о судьбе бывших кулаков в СССР. / История советского крестьянства и колхозного строительства в СССР. -М.: 1963; Сидоров В.А. Мероприятия по трудовому перевоспитанию бывших кулаков. // Вопросы истории. -М.: 1964. -№11; Ивницкий Н.А. Классовая борьба в деревне и ликвидация кулачества как класса (1929-1932 гг.) -М.: 1972; Голубев А.А. О дифференцированном классовом подходе в процессе экспроприации кулачества и судьбе бывших кулаков. (По материалам Ленинградской области). / Вестник ЛГУ, 1972, № 8, вып.2; Трапезников С.П. Ленинизм и аграрно-крестьянский вопрос. Т.2. -М.: 1967.

² История крестьянства СССР. История советского крестьянства. В 5 томах. Том 2. Советское крестьянство в период социалистической реконструкции народного хозяйства. Конец 1927-1937. -М.: «Наука», 1986. - С. 226-231.

³ Волобуев О.В., Кулешов С.В. Очищение. История и перестройка. -М.: 1989; Данилов В.П. Каковы современные оценки коллективизации сельского хозяйства в нашей стране. Историк отвечает на вопросы. - М.: 1989; Его же. Коллективизация... / Переписка на исторические темы. Диалог ведёт читатель. -М.: 1989; Его же. Коллективизация: как это было? / Страницы истории советского общества. Люди, проблемы, факты. -М.: 1989; Тепцов Н.В. Аграрная политика на крутых поворотах 20-30-х годов. / История и политика КПСС. -М.: 1990; Его же. Правды о раскулачивании. (Документальный очерк) // Кентавр, - М.: 1991, март-апрель; Тетюшев В.И. Становление и развитие экономики СССР и буржуазные критики. Изд. 2-е доп. -М.: 1987.

Республикасида ҳам деҳқон хўжалиklarининг қулоқ қилиш, уларни сургун қилиш ва сургундаги ҳаёти масалаларини ўрганиш ишлари бошланди.

Мазкур мавзунини тамомлаш янги методология, янги руҳда ёритишни академик Р.Х.Аминова биринчилардан бўлиб бошлаб берди. Таниқли олимнинг 1990 йилларда эълон қилган ишлари¹ мустақиллик йилларидаги ўзбек тарихшунослигига катта ҳисса бўлиб қўшилди.

Андижон Давлат университети профессори, тарих фанлари доктори Р.Т. Шамсутдинов ҳам қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш, қулоқларни синф сифатида тугатиш сиёсати ва унинг фожияли оқибатларини тамоман янги руҳда, ҳаққоний ёритиш ишларини биринчилардан бўлиб бошлаб берди. Р.Т.Шамсутдиновнинг бир қатор асарларида қулоқ қилиш, қулоқлар сургунини, сургун қилинганларнинг махсус посёлкалардаги ҳаёт тарзи масалалари Ўрта Осиё республикалари мисолида ёритилди².

Сўнгги йилларда Россия Федерациясида тадқиқ этилаётган мавзуга дахлдор кўплаб илмий ишлар яратилди. Чунинчи 1991 йили С.В.Кульчицкийнинг “Цена “великого перелома”, Е.Н.Осколковнинг «Голод 1932-1933» мақоласи, 1993 йили В.Я.Шашковнинг «Спецпереселенцы на Мурмане», 1994 ва 1996 йиллари Н.А.Ивницкийнинг «Коллективизация и раскулачивание» монографияси, 1996 йили коллектив авторлар томонидан ёзилган «Судьбы российского крестьянства», 2005 йили В.Н. Земсковнинг “Спецпоселенцы в СССР 1930–1960” номли асарлари нашр этилди.

Чет эл адабиётида совет қишлоғида 30-йиллардаги ўзгаришларни ёритувчи тадқиқотчилардан Л.Виола, Р.Джонсон, Дж. Харрис П. Соломон (Канада), Ш.Фицпатрик, Р.Маннинг, М.Таугер, Д.Пеннер, С.Максудов, Г.Алексополос, Т.Мартин (США), Ш.Мерл (ФРГ), А.Грациози (Италия), С.Уиткрофта (Австралия), Ю.Таниучи (Япония), Р.Дэвис (Англия) ва бошқаларни кўрсатиб ўтиш мумкин. Янги давр тарихининг ютуқларидан бири аввал махфий ҳисобланган архив фондларидан унумли фойдаланиш бўлди. Бу соҳага 1989 йили чоп этилган “Документы свидетельствуют. Из истории деревни накануне и в ходе коллективизации. 1927–1932 гг.” хужжатлар тўплами асос солди. Шу йили СССР ФА Ю.А.Поляков бошчилигида СССР халқи кўрган йўқотишларнинг ҳақиқий ҳажмини аниқлаш учун СССР ФА тарих бўлими қошида тузилган комиссия аъзолари ЦГАОР СССР

¹ Аминова Р.Х. Из истории коллективизации в Узбекистане. – “История СССР”, М., 1991, №4; Коллективизация в Узбекистане: как это было? “Коммунист Узбекистана”, 1989, №9; Коллективлаштириш – қашшоқлаштириш демак. “Шарқ юлдузи”, 1992. №12; Возвращаясь к истории коллективизации в Узбекистане. Ташкент, “Фан”, 1995.

² Шамсутдинов Р.Т. Ўзбекистонда советларнинг қулоқлаштириш сиёсати ва унинг фожияли оқибатлари. Тошкент, “Шарқ”, 2001. Шамсутдинов Р.Т. Қишлоқ фожияси: жамоалаштириш, қулоқлаштириш, сургун. (Ўрта Осиё республикалари мисолида). Тошкент. “Шарқ”, 2003. Шамсутдинов Р., Худоёров Н. Қулоқлар сургунини. “Мулоқот”, 2002 йил 3-4-сонлари. Шамсутдинов Р., Мамажонов А. Шимолий Кавказ сургунинидаги юртдошлар қисмати. Тошкент, “Шарқ”, 2005., ва бошқалар.

(хозирги ГАРФ – Россия Федерацияси Марказий Давлат вархиви), НКВД-МВД СССР Секретериати, ГУЛАГ, НКВД-МВД СССРнинг махсус посёлкалар бўлими фонди хужжатлари ва бошқа махфийлаштирилган архив фондларини ўрганишга муваффақ бўлдилар.

Ундан ташқари кўплаб архив материаллари яқин йиллар ичида чоп этила бошлади. Улардан 1998 йили чоп этила бошланган кўп томлик «Советская деревня глазами ВЧК-ОГПУ-НКВД (1918–1939)» ва албатта, 5 томлик «Трагедия советской деревни. Коллективизация и раскулачивание. 1927–1939» архив хужжатлари тўпламини алоҳида кўрсатиш зарур¹.

Ўзбекистон тарихнавислигида бу муаммога бағишланган бир қатор асарлар юзага келди. Хусусан, Р.Т. Шамсутдиновнинг қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш, қулоқ қилиш, қулоқлар сургунли масалаларига бағишланган бир қатор илмий монографиялари яратилдики, улар мазкур муаммо тарихшунослигига муҳим хисса бўлиб қўшилди.²

2006 йилда нашр этилган профессор Д.А.Алимова таҳрири остидаги 3 жилдлик «Ўрта Осиё қишлоқлари фожеаси: коллективлаштириш, қулоқ қилиш, сургун» номли хужжатлар ва материаллар тўплами биз ўрганаётган мавзу тарихшунослигида жуда катта ижобий воқеа бўлди.³ Бу архив хужжатлари ва материаллари тўпламида Ўрта Осиё роесубликаларида коллективлаштириш, қулоқлаштириш сиёсатининг ўтказилиши, қулоқ оилаларининг сургун қилиниши, Ўрта Осиё роесубликаларида қулоқлар сургун қирилган махсус меҳнат посёлкаларининг жойлашуви, уларнинг маъмурий бошқаруви масалалари, шунингдек, собиқ қулоқларнинг қишлоқ хўжалигидаги меҳнат фаолиятига доир жуда кенг кўламли маълумотлар ўрин олган. Биз магистрлик диссертациясини тайёрлашда ушбу хужжатлар тўпамидан кенг фойдаландик.

Тадқиқотнинг хронологик чегаралари: 1930 йилдан 1954 йилгача бўлган даврни ўз ичига олади. Бу даврда махсус посёлкалар ташкил қилиниб, то улар тугатилгунгача бўлган давр ёритилади.

Тадқиқотнинг географик чегаралари: хозирги Ўзбекистон, аввалги Ўзбекистон

¹ Советская деревня глазами ВЧК-ОГПУ-НКВД. 1918-1939. Документы и материалы. В 4-х томах. / Т.3. 1930-1934 гг. Кн. 1. 1930-1931 гг. /Под ред. А.Береловича, В.Данилова. – М.: «РОССПЭН», 2003. – 864 с. Трагедия советской деревни. Коллективизация и раскулачивание. Документы и материалы в 5 томах. // Главный редакционный совет: В.П.Данилов, Р.Маннинг, Л.Виола. /Т.1: май 1927-ноябрь 1929. – М.: 1999; Т.2: Ноябрь 1929 - декабрь 1930. – М.: 2000; Т.3: 1931-1933. – М.: 2001; Т.4: 1934-1936. – М.: 2002; Т.5: кн.1-2. – М.: 2004-2006.

² Шамсутдинов Р.Т. Ўзбекистонда советларнинг қулоқлаштириш сиёсати ва унинг фожиали оқибатлари. – Т.: «Шарқ», 2001. – 368 б.; Шамсутдинов Р. Истиклол йўлида шахид кетганлар. – Т.: «Шарқ», 2001. 415 б.; Шамсутдинов Р.Т. Қишлоқ фожеаси: жамоалаштириш, қулоқлаштириш, сургун (Ўрта Осиё республикалари мисолида). – Т.: «Шарқ», 2003. 544 б.; Шамсутдинов Р., Мамажонов А. Шимолий Кавказ сургунлидаги юрдошлар қисмати. – Т.: «Шарқ», 2005. 336 б.; Шамсутдинов Р., Акбарова М. Шимолий Қозоғистон сургунлидаги юрдошлар қисмати. – Т.: «Шарқ», 2009. 224 б.

³ Трагедия среднеазиатского кишлака: коллективизация, раскулачивание, ссылка 1929-1955 гг. документы и материалы. Том 1-3. / Сост. Р.Т. Шамсутдинов, б.М. Расулов; Под ред. Д.А. Алимовой. – Т.: «Шарқ», 2006.

ССР худуди билан чегараланиб, баъзи материаллар тушинарироқ бўлиш мақсадида совет иттифоқининг махсус посёлкалар ташкил қилинган ва фаолият кўрсатган худудларидан ҳам мисоллар келтирилган ва минтақалар ўзаро таққосланган.

Магистрлик диссертациясининг мақсад ва вазифалари. Тадқиқ этилаётган мавзунинг муҳимлиги ва долзарблиги, ўрганилиш даражасидан келиб чиқиб, янги илмий адабиётлар ва архив ҳужжатларини таҳлил этиш асосида миллий истиқлол ғояси талабларидан келиб чиқиб, Ўзбекистонда қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш даврида ташкил қилинган қулоқ хўжаликлари сургун қилинган махсус (меҳнат) посёлкаларининг тарихини, хусусан, сургундагиларнинг қишлоқ хўжалигидаги меҳнат фаолиятини илмий жиҳатдан ўрганиш ва бу асосда айрим назарий хулосалар беришдан иборат мақсад белгиланди.

Мазкур мақсаддан келиб чиққан ҳолда диссертацияда қуйидаги вазифаларни ҳал этиш лозим деб топилди:

- Ўзбекистонда қулоқ хўжаликларининг тугатилиши ва уларнинг бошқа минтақаларга ва Ўзбекистоннинг чекка районларига сургун қилиниши жараёнини умумлаштирган ҳолда ёритиб ўтиш;

- Ўзбекистоннинг чекка худудларида дастлабки қулоқ посёлкаларининг ташкил этилиши, сургун қилинган қулоқ хўжаликларини посёлкаларга жойлаштириш, хўжалик жиҳатдан уюштириш масалаларини таҳлил қилиш;

- Сургун қилинган қулоқларнинг дастлабки даврдаги оғир аҳволини, яшаш шароитларини ёритиб ўтиш;

- Сургундаги деҳқонларнинг маъмурий бошқаруви масалаларини ўрганиш, махсус кўчирилганларнинг ҳуқуқий ҳолатини таҳлил қилиш;

- Ўзбекистон худудларидаги меҳнат посёлкаларидаги қулоқлар меҳнатини ташкил этиш, меҳнат мажбуриятлари ва улар меҳнатини рағбатлантириш масалаларини ёритиб;

- сургундаги собиқ қулоқларнинг қишлоқ хўжалиги соҳасидаги меҳнат фаолиятини ўрганиш асосида уларнинг қишлоқ хўжалиги ривожини ва пахта етиштиришдаги қўшган хиссаси ҳақида маълумот бериш;

- ўрганилган материалларни назарий жиҳатдан умумлаштирган ҳолда тадқиқотнинг илмий хулосаларига таяниб, бугунги кунда республикада қишлоқ хўжалигида мулкдорлар қатлами деҳқон-фермер хўжаликлари фаолиятини рағбатлантириш ва ривожлантириш борасида қилинаётган ишларга амалий тавсиялар бериш.

Диссертациянинг илмий янгилиги шу билан белгиланадики, мазкур тадқиқот мавзусининг биринчи умумлаштирилган илмий изланишдан иборатлигидир. Тадқиқотда миллий истиқлол мафқураси ва ҳозирги замон назарий-услубий талаблари нуқтаи

назаридан Ўзбекистонда қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш, кулоқ қилиш даврида ташкил қилинган махсус посёлкалардаги кулоқларнинг қишлоқ хўжалигидаги меҳнат фаолияти тамоман янги манбалар асосида тадқиқ қилинди.

Ушбу магистрлик диссертацияси аввало ўрганилган масалага янгича нуқтаи назардан ёндошилганлиги билан фарқланади ҳамда масаланинг умумий ва хусусий томонларини алоҳида бир мавзу сифатида тадқиқ этилиши билан характерланади. Мазкур диссертацияни тайёрлаш натижасида эришилган асосий янгиликлар қуйидагилардан иборат:

- ўрганилган мавзу мустақил Ўзбекистон Республикасида маънавий кадрларни тиклаш борасида қўйилаётган талабларга мос равишда ва унинг эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда хал этилди;

- совет ҳукуматининг қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш ва кулоқлаштиришни амалга ошириш жараёнидаги хатоликлари, тўқ хўжаликларни тугатиш, фаолиятини чеклаш борасида қилган зўравонликлари ва қатағончилик усуллари далиллар асосида кўрсатиб берилди;

- коллективлаштириш сиёсати ва амалиётининг салбий оқибатлари танқидий жиҳатдан ёритиб берилди.

Тадқиқотнинг илмий-амалий аҳамияти. Магистрлик диссертациясида эришилган илмий изланишлар натижалари амалий аҳамиятга ҳам эгадир. Улар қуйидагилардан иборат:

1. Диссертацияни тайёрлаш натижасида жамланган маълумотлар, хулосалар ва назарий умумлаштиришлар Ўзбекистонда ташкил қилинган махсус меҳнат посёлкалари жойлашуви, унинг таркиби ва фаолияти тарихини атрофлича ўрганишга имкон беради. Айрим назарий хулосалар мазкур масалани тадқиқ этишда янги босқич бўлиб хизмат қилиши мумкин.

2. Диссертациянинг хулосалари, баён этилган амалий тавсиялар иқтисодиётнинг аграр секторида ишбилармон, тадбиркор деҳқонлари қатлами фаолиятини такомиллаштиришда фойдаси тегиши мумкин.

3. Диссертацияда жамланган маълумотлардан, назарий хулосалардан таълимнинг турли босқичларида, ўқув-тарбия жараёнида фойдаланиш мумкин.

4. Ўзбекистон янги тарихини яратишда, Ватан тарихидан дарслик, ўқув қўлланмалар тайёрлашда диссертациянинг назарий хулосаларидан фойдаланиш мумкин.

Диссертациянинг назарий-методологик асослари. Диссертацияда Мустақил Ўзбекистон Республикаси миллий истиқлол мафкурасининг устувор мақсад ва вазифалари ғоявий асос қилиб олинди. Совет тузуми давридаги тарихий воқеа, ходисаларни

Ўрганишнинг хато методологик асосидан воз кечиб, унинг асосий принциплари бўлган партиявийлик, синфийлик кабилардан йироқлашиб, уларни инкор этишга ҳаракат қилинди. Айти пайтда тадқиқот ишида ўрганилган масалани тўғри ҳал этишда илмий билишнинг ҳолислик, тарихийлик, тизимлилик ва ривожланиш каби тамойилларига амал қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг асарларида, маъруза ва нутқларида, давлат ва ҳукумат фармон-қарорларида илгари сурилган методологик, илмий-назарий, маънавий–мафкуравий характердаги фикр-ғоялар, дастурий-концептуал кўрсатмалар тадқиқот ишида назарий матодологик асос бўлиб хизмат қилди.

Диссертациянинг манба базасини асосан, қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш, қулоқ қилиш, қулоқлар сургуни муаммолари бўйича хорижда ва Ўзбекистонда нашр этилган кўп жилдлик архив ҳужжат ва материаллари тўпламлари ташкил этади¹. Магистрлик диссертацияси нашр этилган архив ҳужжатлари ва материалларидан кенг фойдаланган ҳолда бажарилди. Шунингдек, уни тайёрлашда даврий нашрлардаги мақолалар, архив манбалари ва Интернетда келтирилган турли-туман манбалардан фойдаланилди.

Шу билан биргаликда Андижон вилоятида мавжуд бўлган махсус посёлкалар тарихини ўрганишда Қўрғонтепа, Избоскан туманлараро архиви материалларидан ҳам қисман фойдаланилди. Қўрғонтепа тумани давлат архивида Савай №9 савхозининг архив ҳужжатлари (фонд №254), Избоскан тумани давлат архивида аввалги Куйбышев номидаги жамоа хўжалиги архив ҳужжатлари (фонд №51) ҳам ўрганилиб, манба сифатида фойдаланилди.

Магистрлик диссертациясининг манба базасига кирувчи адабиётларнинг салмоқли қисмини советлар ҳукмронлиги даврида нашр қилинган, коммунистик мафкура ғояси ва руҳидаги асарлар ташкил этади. Бу асарлар танқидий жиҳатдан ўрганилди, статистик

¹ Документы свидетельствуют: из истории деревни накануне и ходе коллективизации. 1927-1932 гг. Сборник документов. / Сост. В.П. Данилов и др. Под ред. В.П.Данилова, Н.А.Ивницкого. – М.: «Политиздат», 1989; История Сталинского ГУЛАГа. Конец 1920-х – первая половина 1950-х годов. Собрание документов в 7-ми томах. / Т.5. Спецпереселенцы в СССР. /Отв. ред. и сост. Т.В.Царевская-Дякина. – М.: «РОССПЭН», 2004; Политбюро и крестьянство: высылка, спецпоселение. 1930-1940. В 2 кн. /Отв. ред. Н.Н.Покровский. – М.: «РОССПЭН», 2005; Советская деревня глазами ВЧК-ОГПУ-НКВД. 1918-1939. Документы и материалы. В 4-х томах. / Т.3. 1930-1934 гг. Кн. 1. 1930-1931 гг. /Под ред. А.Береловича, В.Данилова. – М.: «РОССПЭН», 2003; Среднеазиатский кишлак в годы большого террора. Документы и материалы. /Сост.: Р.Т.Шамсутдинов, Э.Ю.Юсупов, С.Хошимов, Э.П.Дусматов. – Андижан: Изд. АндГУ, 2007; Трагедия советской деревни. Коллективизация и раскулачивание. Документы и материалы в 5 томах. // Главный редакционный совет: В.П.Данилов, Р.Маннинг, Л.Виола. /Т.1: май 1927-ноябрь 1929. – М.: 1999; Т.2: Ноябрь 1929 - декабрь 1930. – М.: 2000; Т.3: 1931-1933. – М.: 2001; Т.4: 1934-1936. – М.: 2002; Т.5: кн.1-2. – М.: 2004-2006; Трагедия среднеазиатского кишлака: коллективизация, раскулачивание, ссылка 1929-1955 гг. Документы и материалы. I-II-III том. /Составители: проф. Р.Т.Шамсутдинов, к.и.н. Б.М.Расулов. Под ред. проф. Д.А.Алимовой. – Т.: «Шарк», 2006.

маълумотларни таққослаш, умумлаштириш нуктаи назаридан фойдаланилди.

Магистрлик диссертациясининг таркибий тузилиши. Тадқиқот иши кириш, иккита боб, бешта бўлим, хулоса, фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат.

1-боб. ЎЗБЕКИСТОНДА МАХСУС ПОСЁЛКАЛАР ТИЗИМИНИНГ ТАШКИЛ ТОПИШИ

1.1. Ўзбекистонда қулоқ оилаларининг сургун қилиниши ва меҳнат посёлкаларининг ташкил топиши

1929 йил охирида бошланган қишлоқ хўжалигини ёппасига коллективлаштириш сиёсати деҳқонларга қарши зўравонликлар ва қўрқитишлар билан биргаликда олиб борилди. Колхозларни қуриш бир қатор деҳқонларнинг ихтиёрий ҳаракати билан биргаликда маъмурий босим ўтказиш билан ҳам давом эттирилди. Бунга 1929 йил 7 ноябрда «Правда» газетасида чоп этирилган И.В.Сталиннинг «Буюк бурилиш йили» мақоласи ҳам катта таъсирини ўтказди. Унда мамлакатдаги деҳқонларнинг кўпчилиги эски турмушдан воз кечиб, янги, социалистик турмуш йўлини танлаганликлари таъкидланган, ваҳоланки бу фактларга тўғри келмас эди. Чунки СССРдаги камбағал деҳқон хўжаликлари ҳам колхозларга аъзо бўлишга шонилмас эдилар. Лекин жойларда коллективлаштиришни тезлаштириш учун маъмурий босимдан кенг миқёсда фойдаланишга киришилди. Бунда оммавий коллективлаштиришнинг муҳим усули сифатида деҳқонларнинг ўзига тўқ, «қулоқ» деб аталган қисмини синф сифатида тугатиш усулидан кенг фойдаланилди. Бу усул 1928-1929 йиллари ҳам қўлланилган, лекин 1930 йилда Сталин томонидан оммавий коллективлаштириш ва қулоқларни синф сифатида тугатиш шиорини эълон қилиниши, айниқса, ВКП(б) Марказий Комитети Сиёсий бюросининг 1930 йил 30 январдаги «Ёппасига коллективлаштириш районларида қулоқларни синф сифатида тугатиш тадбирлари тўғрисида» қароридан сўнг кенг тус олди. Бу қарорга кўра мамлакатдаги 3-5% деҳқон хўжаликлари тугатилиши керак эди. Улардан 60 минг киши концлагерларга, 150 минг оила эса Шимолий ўлка, Сибирь, Украина, Қозоғистон ва Уралнинг кимсасиз жойларига кўчирилиши керак эди. Қолганлар эса ўз округи ёки районида калхоз ерларидан ташқарида жойлашган ноқулай ва энг ёмон ерларга, махсус посёлкаларга кўчирилиши керак эди.¹

Совет ҳокимияти ўзига тўқ деҳқон хўжаликларини қулоқ сифатида тугатиш орқали

¹ Ивницкий Н.А. Классовая борьба в деревне и ликвидация кулачества как класса. - М.: "Наука", 1972. - С. 47.

бир қатор вазифаларни хал қилишни кўзлаган эди.

Биринчидан «қулоқлар» талқинидаги ўзига тўқ, ишбилармон хўжаликларни йўқ қилиб, коллективлаштириш учун «қулай» шароит яратиш.

Иккинчидан, «қулоқ»ларни кўчириб, уларни коллективлаштиришга бўлган қаршиликларини синдириш.

Учинчидан, сургун қилинган қулоқ хўжаликларининг арзон меҳнатидан фойдаланиб, мамлакатнинг узоқ ва кимсасиз жойларини ўзлаштириш.

Қишлоқ хўжалигини ёппасига коллективлаштириш сиёсати ўзига тўқ деҳқон хўжаликларини қулоқ қилиш – яъни уларнинг мол-мулкани мусодара қилиб, ўзларини оила аъзолари билан бирга мамлакатнинг чекка минтақаларига сургун қилиш амалиёти билан бирга олиб борилди. Қулоқ хўжаликлари тоифалар бўйича республикадан ташқарига ёки республика ичида – ёппасига коллективлаштирилаётган район худудидан ташқаридаги унумсиз ерларга сургун қилинганлар. Сургун қилинганлар кимсасиз, ўзлаштирилмаган ерларда ташкил қилинган махсус посёлкаларга жойлаштирилган ва улар устидан комендатура назорати ўрнатилган.

1930 йил 20 февралда ВКП(б) МК Сиёсий бюроси Сталин таклифи билан «Қулоқлар тўғрисида» деб номланган махсус қарор қабул қилди. Унга кўра ОГПУ (Объединённое государственное политическое управление) 6 ой ичида 200-300 минг одамга мўлжалланган қулоқ посёлкалари ташкил этиладиган районларни танлаб, сургун қилинадиган хўжаликларни жойлаштириш маконларини тайёрлаши керак эди. Қулоқларни кўчириш ва жойлаштириш СССР Халқ Комиссарлари Совети раиси ўринбосари А.А.Андреевга юклатилди. 1930 йилнинг 11 мартада Сиёсий бюронинг қулоқ хўжаликларини сургун қилиш бўйича махсус комиссияси ташкил қилиниб, унинг таркибига А.А.Андреев (раис), ВКП(б) МК секретари П.П.Постышев ва ОГПУ раиси ўринбосари Г.Ягода кирди.¹

1930 йил 11 январида Г.Г.Ягода ОГПУнинг раҳбар органларига жўнатилган хатида ёзган эди: “Биз март-апрель ойларигача қулоқларни бир ёқлик қилишимиз ва абадий унинг умуртқасини синдиришимиз керак”. Шу куннинг ўзида ОГПУ қулоқ хўжаликлари сони ҳақида маълумот сўралган маълумотни 14 январь куни соат 12дан кечикмаган ҳолда бериш кераклиги айтилган шифротелеграммани жойларга юборди.²

Оммавий қулоқ қилиш операциясининг ташкилий структураси, йиғув пунктлари ва бу пунктлардаги оператив-агентура гуруҳларидаги ишлар, ОГПУнинг транспорт бўлими

¹ Шашков В.Я. Раскулачивание в СССР и судьбы спецпереселенцев. 1930-1954 гг. – Мурманск: 1996. – С. 98.

² Трагедия среднеазиатского кишлака: коллективизация, раскулачивание, ссылка 1929-1955 гг. Документы и материалы. Том. 1. / Составители: проф. Р.Т.Шамсутдинов, к.и.н. Б.М.Расулов. Под ред. проф. Д.А.Алимовой. – Т.: «Шарк», 2006. Б. 214.

вазифалари бўйича аниқ инструкциялар юқоридаги буйруққа илова қилиниб ОГПУнинг республика, ўлка ва областлардаги мухтор вакилликларига юборилган.

Шу кўринишда кулоқ қилишнинг репрессив механизми ва дастури ишлаб чиқилган. Бу қатағон механизми дарҳол ишга киришган. ОГПУнинг 1930 йил 2 февралдаги №44/21 сонли буйруғи партия, совет ва жазо органлари фаолияти учун кучли катализатор вазифасини бажарди.

СССР Марказий Ижроия Комитети Президиуми ОГПУ буйруғидаги асосий пунктларни қонунийлаштириш мақсадида 1930 йилнинг 1 февралда «Қулоқларни тугатиш кампанияси даврида ишларни суддан ташқари ҳолатда кўриш ҳуқуқини ОГПУ органларига бериш ҳақида» қарор қабул қилди¹. ОГПУ раҳбарияти бу ваколатни республика, ўлка ва областлардаги мухтор вакилликларига ҳам бериши мумкин эди. Жойлардаги суддан ташқари жазо чоралари ўлка (област) ижрокомлари ва прокуратура вакиллари иштирокида белгиланар эди. ОГПУ учликларининг жазо функциялари шундай қонунийлаштирилган бўлиб, маҳаллий ҳокимият органлари ва прокуратуралари вакиллари унда фақат расмий жиҳатдангина иштирок этар эди, холос.

1930 йил 4 февралда СССР Марказий Ижроия Комитети «Иттифоқдош, автоном республикалар Марказий Ижроия Комитети ва Халқ Комиссарлар Советига, ўлка ва област ижроия комитетларига Махфий инструкция»ни тасдиқлади. Бу инструкцияда кулоқ қилиш ва кулоқ оилаларини сургун қилиш бўйича аниқ кўрсатмалар ўрин олган эди. Унда алоҳида қайд қилинган эдики, кулоқлар мол-мулкини мусодара қилиш, хўжалигини тугатиш ишларини ёппасига коллективлаштириш жараёни билан узвий боғлиқ ҳолда, камбағал-батрақлар оммаси кўмагида ўтказиш, қишлоқдаги социалистик қайта қуриш ва кулоқларни тугатиш вазифаларини фақат камбағал-батрақлар оммаси иттифоқидагина муваффақиятли амалга ошириш лозим². Кулоқ хўжалиқларини тугатиш ва сургун қилиш бўйича бутун тадбирлар уюшқоқлик билан, республикалар ХКСлари ва ўлка, област ижрокомлари раҳбарлигида ва қатъий назоратида ўтказилиши зарурлиги инструкцияда алоҳида таъкидланган.

Дехқон хўжалиқларини кулоқ қилиш ва сургун қилиш амалиёти кўрсатмоқдаки, район, қишлоқ советлари даражасидаги маҳаллий раҳбарлар кулоқ қилиш ва сургун қилиш сиёсатининг аниқ вазифалари моҳиятига тўла тушуниб етмаганлар.

ВКП(б) МК, СССР МИК ва ХКС қарорлари, ОГПУнинг №44/21 сонли буйруғини асос қилиб олган маҳаллий партия, совет ва чекист органлари 1930 йил январь ойи

¹ Шашков В.Я. Раскулачивание в СССР и судьбы спецпереселенцев. 1930-1954 гг. – Мурманск: 1996. – С. 52.

² История Сталинского ГУЛАГа. Конец 1920-х – первая половина 1950-х годов. Собрание документов в 7-ми томах. /Т.5. Спецпереселенцы в СССР. /Отв. ред. и сост. Т.В.Царевская-Дякина. – М.: РОССПЭН, 2004. – С. 114.

иккинчи ярмидан эътиборан қулоқ қилиш бўйича амалий ишларни бошладилар. Бу ишларда раҳбарлик ролини партия комитетлари бажарди.

ВКП(б) МК Ўрта Осиё бюроси 1930 йилнинг 28 январида «Қулоқларни синф сифатида тугатишга алоқадор тадбирлар тўғрисида» қарор қабул қилган. Унда индивидуал шаклда солиқ тўлаётган ва «эксплуататор» сифатида сайлов ҳуқуқидан маҳрум қилинган хўжаликларни биринчи навбатда сургун қилиш ҳақида кўрсатмалар берилган эди¹.

1930 йил февраль ойида қулоқ қилиш кампанияси бошланиб кетди. Бу жараён ёппасига коллективлаштириш эълон қилинган районлардагина эмас, балки барча районларда ҳам авж олдирилди. ВКП(б) МК кўрсатмаларида қулоқ қилиш коллективлаштириш асосида, унинг таркибий қисми сифатида амалга оширилиши белгиланганлигига қарамай, аксарият районларда асосий эътибор қулоқларни тугатишга қаратилди. Оммавий қулоқ қилишнинг қатағон тўлқини тўхтатиб бўлмас куч билан ўсиб борди, унинг ҳалокатли таъсирини энди ҳеч бир тадбир тўхтатиб қололмас эди.

1931 йил охиригача 200 мингдан кам бўлмаган хўжалик қулоқ қилинди. Умуман олиб қараганда 1929-1937 йиллар мобайнида турли кампаниялар натижасида 7500 мингдан ортиқ дехқон хўжаликлари қулоқ қилинди. Бу совет қишлоқларининг катта фожеаси эди. Сургун қилинган ва кўчирилганларнинг умумий сони 100 262 оилага, яъни 510755 кишига етди. 1930 йил кузида 2-тоифадаги қулоқ оилаларини сургун қилиш яна бошланди ва 1930 йил декабрига келиб кўчирилганларнинг сони 112 828 оила (550 558 киши)га етди. Шундан сўнг жойларда қулоқ қилинган, лекин кўчирилмаган миллионга яқин киши қолди.² Қуйидаги жадвалда 1930 йил 20 майгача бўлган давргача иттифок бўйича сургун қилинган қулоқ хўжаликлари миқдори акс этган:

Жадвал 1

Иккинчи тоифадаги қулоқларни сургун қилиниши (1930 йил 20 май ҳолатига)³

| Қаердан сургун қилинган | Режалаштирилган | | Кўчирилган | |
|-------------------------|-----------------|-----------|------------|-----------|
| | Оила | Одам сони | Оила | Одам сони |
| Украина | 20 000 | 115 000 | 20 793 | 113 637 |
| Белоруссия | 8 000 | 43 500 | 9 701 | 47 392 |

¹ Трагедия среднеазиатского киблака: коллективизация, раскулачивание, ссылка. 1929-1955 гг. Документы и материалы. В 3-х томах. / Сост.: Р.Т.Шамсутдинов, Б.М.Расулов; Под ред. Д.А.Алимовой. Т. 1. – Т.: «Шарк», 2006. – С. 311-313.

² Шашков В.Я. Раскулачивание в СССР и судьбы спецпереселенцев. 1930-1954 гг. – С. 76.

³ Трагедия советской деревни. Коллективизация и раскулачивание. Документы и материалы в 5 томах. // Главный редакционный совет: В.П.Данилов, Р.Маннинг, Л.Виола. /Т.2: Ноябрь 1929 - декабрь 1930. – М.: 2000. – С. 413, 593.

| | | | | |
|-----------------------------|--------|---------|--------|--------|
| Марказий Қоратупроқ области | 8 000 | 40 000 | 8 237 | 4 837 |
| Қуйи Волга ўлкаси | 8 000 | 40 000 | 7 931 | 40 001 |
| Ўрта Волга ўлкаси | 6 000 | 30 000 | 5 873 | 31037 |
| Шимолий Кавказ ўлкаси | 10 000 | 50 000 | 10 595 | 51 577 |
| Қрим | 3 000 | 15 000 | 3 179 | 14 029 |
| Татаристон | 2 000 | 10 000 | 1 605 | 7 943 |
| Ўрта Осиё | 400 | 2 000 | 80 | 281 |
| Жами: | 65 400 | 345 500 | 67 994 | 348734 |

1931 йил баҳорида кулоқ қилиш ва кулоқ қилинганларни сургун қилишнинг иккинчи босқичи бошланди. 1931 20 мартдан 25 апрелга қадар ва 10 майдан 18 сентябрга қадар ўтказилган кўчиришларда темир йўл орқали 162 962 оила — 787 341 киши, шу жумладан, эрақлар — 242 776, аёллар — 221 834, болалар - 320 731 киши, ҳаммаси бўлиб, 1930-1931 йиллари темир йўллар орқали СССРда 240 757 оила, яъни 1 158 986 киши кўчирилган. Бундан ташқари 15 355 та от, 7 488 арава, 8 958 ооч ҳам ташилган. Бунинг ҳаммасига 715 эшелон (37 897 вагон) керак бўлган. Ягода томонидан Сталин учун берилган справканинг ичига ўлкалар ичида бошқа транспорт орқали кўчирилганлар киритилмаган. ОГПУ маълумотига кўра 1930 йили 115231 (559531 киши); 1931 йили - 265795 оила (1243860 киши) кўчирилган. Ҳаммаси бўлиб, 1930-31 йиллари Совет иттифокида 381026 (1803392 киши) кўчирилган¹. Қуйидаги жадвалда сургун қилинган кулоқ хўжалиқларининг сургун қилинган жойи, сургунга юборилган жойи ва уларнинг ҳудудлар бўйича тақсимооти келтирилган:

Жадвал 2.

1930-1931 йилларда СССРда кулоқ оилаларининг сургун қилиниши²

| Қаердан кўчирилган | Кўчирилган оилалар сони | Кўчирилган жойи | Оилалар сони |
|--------------------|-------------------------|-----------------|--------------|
| Украина ССР | 63817 | Шимолий ўлка | 19658 |
| | | Урал | 32127 |
| | | Ғарбий Сибирь | 6556 |
| | | Шарқий Сибирь | 5056 |
| | | Якутия | 97 |
| | | Узоқ Шарқ | 323 |
| Шимолий Кавказ | 38404 | Урал | 25995 |
| | | Шимолий Кавказ | 12409 |

¹ Шамсутдинов Р.Т. Қишлоқ фожеаси: жамоалаштириш, кулоқлаштириш, сургун. (Ўрта Осиё республикалари мисолида). Тошкент. “Шарқ”, 2003. 216-бет.

² Земсков В.Н. Спецпоселенцы (по документации НКВД-МВД СССР) // «Социологические исследования» М.: 1991. № 4. – С. 57-58

| | | | |
|--------------------------------|-------|-------------------|--------|
| Қуйи Волга | 30933 | Шимолий ўлка | 10 963 |
| | | Урал | 1878 |
| | | Қозоғистон | 18 092 |
| Ўрта Волга | 23006 | Шимолий ўлка | 5 566 |
| | | Урал | 663 |
| | | Шарқий Сибирь | 620 |
| | | Қозоғистон | 11477 |
| | | Узоқ Шарқ ўлкаси | 2180 |
| | | Ўрта Волга | 2500 |
| Марказий Қоратупрок области | 26006 | Шимолий ўлка | 10 236 |
| | | Урал | 1 408 |
| | | Шарқий Сибирь | 2 367 |
| | | Қозоғистон | 10 544 |
| | | Узоқ Шарқ ўлкаси | 1097 |
| | | Якутия | 354 |
| Белорусия ССР | 15724 | Шимолий ўлка | 4763 |
| | | Урал | 9113 |
| | | Узоқ Шарқ | 1561 |
| | | Якутия | 287 |
| Қрим | 4325 | Шимолий ўлка | 1553 |
| | | Урал | 2 772 |
| Татаристон | 9424 | Урал | 7810 |
| | | Узоқ Шарқ ўлкаси | 1614 |
| Урал | 28394 | Урал | 26854 |
| | | Ленинград области | 1540 |
| Нижегород ўлкаси | 9169 | Шимолий ўлка | 2 471 |
| | | Урал | 5201 |
| | | Қозоғистон | 50 |
| | | Нижегород ўлкаси | 1497 |
| Ғарбий област | 7308 | Урал | 7 308 |
| Бошқирдистон | 0 | Ғарбий Сибирь | 5 305 |
| | | Шарқий Сибирь | 1515 |
| | | Бошқирдистон | 6 000 |
| Шимолий ўлка | 3061 | Шимолий ўлка | 3061 |
| Ивановск саноат области | 3655 | Урал | 3655 |
| Москва области | 10813 | Урал | 3112 |
| | | Ғарбий Сибирь | 4729 |
| | | Қозоғистон | 2 972 |
| Ленинград области | 8604 | Урал | 337 |
| | | Ғарбий Сибирь | 1269 |
| | | Шарқий Сибирь | 929 |
| | | Якутия | 725 |
| | | Ленинград области | 5344 |
| Узоқ Шарқ ўлкаси | 2922 | Узоқ Шарқ | 2922 |
| Ғарбий Сибирь | 52091 | Ғарбий Сибирь | 52091 |
| Шарқий Сибирь | 16068 | Шарқий Сибирь | 16068 |
| Ўрта Осиё | 6944 | Қозоғистон | 159 |
| | | Шимолий Кавказ | 2 213 |
| | | Украина | 3 444 |

| | | | |
|----------------|------|------------|------|
| | | Ўрта Осиё | 1128 |
| Қозоғистон ССР | 6765 | Қозоғистон | 6765 |
| Закавказье | 870 | Қозоғистон | 870 |

1931 йилнинг август-сентябрь ойларидаги Ўрта Осиё республикаларидан кулоқ оилаларини Украина ва Шимолий Кавказга сургун қилиш операцияси давомида Ўзбекистон бўйича жами 3500 хўжалик (18572 киши) сургун қилишга жалб этилиб, амалда 3305 хўжалик (17843 киши) сургун қилинди; Туркманистондан 501 хўжалик (3252 киши) сургунга жалб этилиб, амалда 430 хўжалик (2332 киши) сургун қилинди; Тожикистондан 700 хўжалик (5840 киши) сургунга жалб этилиб, амалда 688 хўжалик (4000 киши) сургун қилинди; Қирғизистон бўйича 700 хўжалик (4761 киши) сургун қилиниши белгиланиб, амалда 708 хўжалик (3559 киши) сургун қилинди. Ўрта Осиё бўйича режага кўра 5401 хўжалик (32425 киши) сургун қилиниши белгиланиб, амалда 5131 хўжалик (27734 киши) сургун қилинди¹.

Кулоқлар сургуни бўйича рақамларни умумлаштирганда маълум бўладики, 1931 йилнинг 1 сентябригача ўрта Осиё республикаларидан 6944 оила (33278 киши) сургун қилинган. Улардан 159 оила (197 киши) 1930 йилда, 6785 оила (33081 киши) 1931 йилда сургун қилинган².

1931 йилнинг сентябригача СССРнинг 22 та минтақасидан чекка ўлкаларга 265795 кулоқ оиласи сургун қилинди. 1930-1931 йиллардаги кулоқ қилиш жараёнида биринчи, иккинчи ва учинчи тоифадаги кулоқ хўжаликларидан жами 381026 хўжалик сургун қилинди. Сургун қилинган оилалар таркиби 1803392 кишидан иборат эди³.

1930 йил баҳоридан Ўзбекистонда ҳам иккинчи ва учинчи тоифа бўйича сургун қилинган кулоқ оилалари жойлаштириладиган “кулоқ посёлкалари” ташкил этила бошлади. Ўзбекистондаги дастлабки кулоқ посёлкаси Бухоро округи Шофиркон районининг Жилвон даштида 1930 йилнинг 15 мартда ташкил қилинган ва бу ерга Самарқанд округининг Икромов районидан 3-тоифа бўйича сургун қилинган 250 кишидан иборат 62 кулоқ хўжалиги жойлаштирилган. Сургун қилинганларга тегишли миқдорда ўзлаштирилмаган ер майдонлари ажратиб берилган⁴.

Сургун қилинганлар аввалида ўз холича ташлаб қўйилган. Район ташкилоти бу хўжаликларни уюштириш, меҳнатини ташкил қилиш билан қизиқмаган. Меҳнат

¹ Трагедия среднеазиатского киблака: коллективизация, раскулачивание, ссылка 1929-1955 гг. Документы и материалы. Том 2. – С. 48-49.

² Земсков В.Н. Спецпоселенцы в СССР 1930-1960. – М.: «Наука», 2003. – С. 17.

³ Шашков В.Я. Раскулачивание в СССР и судьбы спецпереселенцев. – С. 85.

⁴ Трагедия среднеазиатского киблака: коллективизация, раскулачивание, ссылка. 1929-1955 гг. Документы и материалы. В 3-х томах. / Сост: Р.Т.Шамсутдинов, Б.М.Расулов; Под ред. Д.А.Алимовой. Том.2. – Т.: «Шарк», 2006. – С. 291.

куролларининг йўқлиги ва ишчи ҳайвонларининг етишмаслигидан хўжаликларга ажратилган 34 гектар ер қаровсиз қолиб кетган.

Сургун қилинган қулоқ хўжаликлари жуда оғир аҳволда қолганлар. Уларнинг доимий турар жойлари бўлмаган, оилалар омонат чайлаларда яшаган. Қурилиш материаллари йўқлиги учун доимий турар жойлар қуриш ишлари олиб борилмаган, сургун жойидан қочиб кетиш авж олган. 1930 йилнинг 15 августигача 62 хўжалик (250 киши) дан фақат 51 таси (150 киши) посёлкада қолган, 100 киши қочиб кетган. 55 бош иш ҳайвонидан эса 44 та қолган¹. Қулоқ посёлкаси Бухоро округ маъмурий бўлими томонидан ташкил қилинган милиция наряди томонидан қўриқланган. Посёлкада комендант бошқаруви бўлмаган.

Посёлкада яшаш шароитларининг оғирлиги, сургун қилинганлар учун энг оддий маиший имкониятнинг ҳам йўқлиги ва бу ҳол қочиб кетишларга асосий сабаб бўлаётганлиги ОГПУ ва маҳаллий партия-совет органларининг ҳаёлига ҳам келмаган.

Шофиркон районидаги иккинчи қулоқ посёлкаси Қуладин қишлоғида 1930 йил ўрталарида ташкил қилинган ва бу посёлкага 106 оила (451 киши) кўчирилган. Кўчирилганлардан фақат 125 таси меҳнатга яроқли бўлган. Бу посёлкада 22 та буқа, 4 та от, 34 та эшак, 10 бош қорамол бўлган. Кўчирилганлар қишлоқ хўжалик асбоблари билан етарлича таъминланмаган, энг ёмони бу посёлкада озиқ-овқат таъминоти ҳам йўлга қўйилмаган².

Гиждувон районидаги Райнобод қулоқ посёлкаси 1930 йил ўрталарида ташкил қилинган. Бу посёлкага 75 хўжалик (435 киши) кўчириб келтирилган. Улар ихтиёрида 16 та буқа, 4 та от бўлиб, 64 гектар ер ажратилган. Посёлкада нормал турмуш тарзининг йўқлиги, қишлоқ хўжалик асбоблари, ишчи ҳайвонларининг етишмаслиги натижасида белгиланган қатъий мажбурият фақат 50 фоизга бажарилган. Қулоқлар озиқ-овқат билан ҳам, саноат моллари билан ҳам таъминланмаган. Қулоқлар нон талаби билан оммавий чиқишга ҳаракат қилганлар. Бу ердаги қулоқ оилалари қариндошлари ёрдамида тирикчилик ўтказганлар. Райнобод посёлкаси куролланган 6 та милиционер томонидан қўриқланган.

Чуст-Поп райони Булоқбоши қишлоғида 1930 йил ёзида ташкил этилган қулоқ посёлкаси фақат номига ташкил қилинган бўлиб, бу ерга қулоқ хўжаликларининг фақат бир қисми кўчирилган. Улар қишлоқ советлари томонидан колхоз ва совхозлардаги турли ишларга сафарбар қилинган. Уларнинг доимий турар жойлари бўлмаган, колхозчиларнинг

¹ Трагедия среднеазиатского кишлака: коллективизация, раскулачивание, ссылка. Т. 2. – С. 292.

² Трагедия среднеазиатского кишлака: коллективизация, раскулачивание, ссылка... Т.2. – С. 306-307.

уйида яшаб турганлар. Озиқ-овқатни бозордан олганлар. Посёлка назорати ташкил этилмаган¹.

Коллективлаштириш сиёсати авж олиши билан Ўзбекистондаги қулоқ посёлкалари сони ҳам кўпайиб борди. СССР Халқ Комиссарлари Совети хузуридаги қулоқ хўжаликларини сургун қилиш ва жойлаштириш бўйича А.А.Андреев бошчилигидаги комиссиянинг 1931 йил 31 мартдаги йиғилишида «Ўрта Осиёда бой хўжаликларни ички сургун қилиш ҳақида»ги масала муҳокама қилиниб, унда ВКП(б) МК Ўрта Осиё бюросининг Ўзбекистон, Туркменистон ва Тожикистонда қулоқ хўжаликларини ички сургун қилиш ҳақидаги таклифи маъқулланган ва республикаларнинг шимолий районларидаги қулоқ хўжаликларини Ўрта Осиё ичида 1931 йилнинг баҳорида ички сургун қилишга рухсат берилган².

1931 йил баҳорида ўтказилган ички сургун натижасида Ўрта Осиё республикаларида қулоқлар сургун қилинган посёлкалар сони 21 тага етди. Улардан 17 таси Ўзбекистон ССРда, 2 таси Туркменистон ССРда ва 2 таси Қирғизистон АССРда эди. Ўзбекистон ва Туркменистон ҳудудларидаги махсус посёлкалар бу пайтда ОГПУнинг Ўрта Осиёдаги мухтор вакиллиги қошидаги Махсус кўчирилганлар бўлимига, Қирғизистон АССР махсус посёлкалари эса ОГПУнинг Қозоғистондаги мухтор вакиллигига бўйсунган³.

Ўзбекистондаги қулоқ посёлкаларининг дислокацияси қуйидагича эди: Қўқон районида 2 та – “Майда юлғун” ва “Қора кўрпа” посёлкалари 1931 йил март ойида ташкил топган; Чуст-Поп районида 1 та – Булоқбоши қишлоғида жойлашган, 1930 йил баҳорида ташкил этилган; Оқдарё районида 1 та – район марказидан 20 км масофадаги Байробод қишлоғида 1931 йил мартда ташкил қилинган; Икромов районида 3 та – Раватак, Шамбулоқ, Қора ариқ қишлоқларида 1931 йил баҳорида ташкил қилинган; Ёғдудовон районида 1 та – Райнобод қишлоқ совети ҳудудида 1930 йилда ташкил қилинган; Шофиркон районида 2 та – Жилвон ва Қуладин қишлоқларида 1930 йил баҳорида ташкил этилган; Денов районида 3 та – Сангардак, Тўполанг, Орол посёлкалари, 1931 йил баҳорида ташкил қилинган; Сарисийё районида 1 та – Ватанчек қишлоқ совети ҳудудида 1931 йил баҳорида ташкил этилган; Қува районида 2 та – Надрейл ва Войстон қишлоқларида 1931 йил баҳорида ташкил этилган; Янгийўл районида 1 та – район марказидан 30 км масофада 1931 йил баҳорида ташкил қилинган.

ОГПУ Ўрта Осиё мухтор вакиллигининг 1931 йил 1 июлдаги маълумотига кўра, бу даврда Ўзбекистон ССРдаги мавжуд 17 та қулоқ посёлкасига жами 902 қулоқ хўжалиги

¹ Трагедия среднеазиатского кишлака: коллективизация, раскулачивание, ссылка... Т.2. – С. 304-305.

² Трагедия среднеазиатского кишлака: коллективизация, раскулачивание, ссылка. Т.2. – С. 294.

³ Трагедия среднеазиатского кишлака: коллективизация, раскулачивание, ссылка... Т.2. – С. 303.

(2168 киши) кўчирилган. Улар асосан республиканинг ёппасига коллективлаштириш эълон қилинган районларидан ва Туркманистон ССРдан сургун қилиб келтирилган. Посёлкаларда меҳнатга яроқли эркаклар кам бўлган, улар бутун аҳолининг фақат 31,6 фоизини ташкил этган. Сургундагиларнинг фақат 687 нафари меҳнатга яроқли кишилар бўлган, қолганлари асосан қариялар ва ёш болалар бўлган¹.

ОГПУ Ўрта Осиё мухтор вакилликнинг Москвага йўллаган ҳисоботида мазкур қулоқ посёлкаларидаги умумий ҳолат қуйидагича баён қилинган:

Қўқон районидаги «Майда юлғун» ва «Қора кўрпа» қулоқ посёлкалари Қўқон шаҳридан 20 км шимолда жойлашган бўлиб, 1931 йил март ойида бу посёлкаларга 235 хўжалик (899 киши) кўчириб келтирилган. Уларга 1500 таноб ер ажратиб берилган. Посёлкалар 7 та участкага ажратилган. «Қора кўрпа» посёлкасига контрактация бўйича 432 таноб ерда, «Майда юлғун» посёлкасига эса 508 таноб ерда пахта етиштириш мажбурияти юкланган. Лекин, посёлкаларда Қўқон шаҳар советидан ижарага олинган 150 та кетмондан бошқа қишлоқ хўжалик асбоб-ускуналари бўлмаган. Посёлкада 2 от, 2 буқа ва бир нечта эшак бўлган, холос. Май ойида маҳаллий ташкилотлар томонидан 7 та буқа берилган, шунингдек, бу ерга вақтинча трактор юборилган бўлиб, у билан 72 таноб ер ҳайдалган. 1931 йил июль ойида иккала посёлкада 6 та от, 15 та буқа, 6 та сигир, 17 бош қўй-эчки, 4 та омов, 1 та борона, 150 та кетмон ва 5 та арава бўлган².

Посёлкаларда озиқ-овқат запаслари бўлмаган, сургун қилинганлар тирикчилик ўтказиш учун навбати билан қариндошлариникига қатнаганлар. Шунингдек, қариндошлар ҳам озиқ-овқат олиб келиб турганлар. Айрим қулоқ хўжаликлари бозорда ўтин сотиб тирикчилик ўтказган. Боқувчиси йўқ аёллар яқин қишлоқларга қатнаб, турли юмушларни бажариб кун ўтказганлар. Посёлкаларни махсус қўриқлаш йўлга қўйилмаган. Иккала посёлкада комендант томонидан қулоқлардан қоровул қўйилган бўлиб, улар дўкон ва чорва ҳайвонларини қўриқлаганлар. Посёлка комендантлари кечкурун колхозга - ўз уйига кетган.

Оқдарё районидаги қулоқ посёлкасига 294 гектар тўқайзор ер ажратилган ва у тўртта участкага бўлинган. Сургун қилинган қулоқларнинг ҳаммаси Сайдон қишлоғи яқинидаги участкада яшаган. Улар қамишдан қилинган чайлаларда кун кечирган. Посёлкада турар жой ва ёрдамчи бинолар умуман бўлмаган. Посёлка аҳолиси озиқ-овқат маҳсулотлари ва саноат моллари билан таъминланмаган. Қулоқлар қариндош-уруғлари бериб турган озиқ-овқатлар билан тирикчилик ўтказган. Посёлкада 5 та от, 3 та буқа, 6 та

¹ Трагедия среднеазиатского кишлака: коллективизация, раскулачивание, ссылка... Т.2. – С. 314.

² Трагедия среднеазиатского кишлака: коллективизация, раскулачивание, ссылка... Т.2. – С. 303-304.

эшак, 4 та ооч, 2 та мола, 1 та плуг, 1 та борона, 25 та кетмон ва 3 та ўрок бўлган. Қулоқлар томонидан мажбурият бўйича 24 гектар ерга пахта экилган¹.

Икромов районидаги кулоқ посёлкалари Қорадарё ирмоғи соҳилида жойлашган. Сургун қилинганлар қамиш чайлаларда яшаганлар, айримлар ташландиқ биналарга ва масжидларга жойлашган. Уларнинг ҳолидан ҳамқишлоқлари ва қариндошлари хабар олиб турган. Бу посёлкалар ҳам озиқ-овқат ва саноат маҳсулотлари билан таъминланмаган. Сургун қилинганлар яқин колхозларга бориб ёлланиб ишлашни талаб қилганлар, лекин бунга руҳсат берилмаган. Посёлкаларга 162 гектар суғориладиган ер берилган. Барча ерлар бўйича қатъий мажбурият юкланган. Мажбуриятни бажаришдан ва ишга чиқишдан бош тортган 4 киши қамокқа олинган. Иккита посёлкага битта комендант тайинланган. Учта посёлка бўйича сургун қилинганлардан 163 киши қочиб кетган².

Денов районидаги кулоқ посёлкаларида қишлоқ хўжалик асоблари етишмаган, 109 хўжалик ихтиёрида 5 та буқа ва 11та от бўлган, холос. Уччала посёлкада 31та меҳнатга яроқли киши бўлган, қолганлари аёллар, қариялар ва болалар бўлган. Қулоқлар учун ажратилган 780 гектар ернинг 208 гектарига пахта, 370 гектарига каноп экилган, қолган 196 гектар ер деҳқончиликка яроқсиз бўлган. Посёлкаларнинг иқтисодий аҳволи оғир бўлган. Учта посёлка бўйича битта комендант тайинланган, кўриқлаш ишлари йўлга қўйилмаган.

Янгийўл кулоқ посёлкасига сургун қилинганлар ихтиёрида 4 та от, 3 та сизир ва 27 та кетмон бўлган. 10 та хўжаликка қатъий мажбурият юкланган, улар томонидан 13 гектар ерга пахта экилган. Посёлкада яшаш шароитлари оғир бўлиб, таъминот йўлга қўйилмаган. Посёлкага комендант тайинланмаган, кўриқлаш ишлари ҳам олиб борилмаган³.

ВКП(б) МК Сиёсий бюросининг 1932 йил 8 февралдаги йиғилишида «Махсус кўчирилганларни жойлаштириш ва меҳнатидан фойдаланиш» масаласи кўриб чиқилган. Йиғилишда сургун қилинган кулоқ оилаларини жойлаштириш ва хўжалик ташкилотларига бириктириш бўйича давлат ва ҳукумат қарорлари тўла бажарилмаётганлиги айтиб ўтилган. Шунингдек, сургун қилинганларни турар жой, озиқ-овқат билан таъминлаш ҳолати ҳам ўта қониқарсиз экани таъкидланган. Йиғилишда сургун қилинган ҳудудларда мавжуд аҳволни яхшилаш, чунончи, оммавий эпидемияларнинг олдини олиш, тиббий, маданий-маърифий хизматни йўлга қўйиш, икки ой муддатда саноат ва қишлоқ хўжалигида банд бўлган махсус кўчирилганлар яшаётган

¹ Трагедия среднеазиатского кишлака: коллективизация, раскулачивание, ссылка... Т.2. – С. 305.

² Трагедия среднеазиатского кишлака: коллективизация, раскулачивание, ссылка... Т.2. – С. 305-306.

³ Трагедия среднеазиатского кишлака: коллективизация, раскулачивание, ссылка... Т.2. – С. 306.

посёлкаларда қишлоқ хўжалик, саноат-хунармандчилик артелларини ташкил этиш ҳақида қарорлар чиқарилган¹.

1931 йил кузи ва 1932 йил баҳорида Ўзбекистондаги қулоқлар сургун қилинган махсус посёлкаларга бошқа республикалардан ҳам қулоқ хўжаликлари сургун қилиб келтирила бошлади. Махсус посёлкалар аҳолисининг кўпайиши муносабати билан уларни бошқариш ва меҳнатини ташкил этиш ишлари 1931 йил июнь ойида ОГПУ тасарруфига берилди. ОГПУ таркибида сургун қилинган қулоқ оилалари масалалари билан шуғулланувчи Махсус кўчирилганлар бўлими (ОСП) ташкил топди.

1932 йил 1 январида Ўрта Осиё республикалари бўйича махсус посёлкаларда 10471 киши рўйхатда бўлган. 1932 йил давомида 499 киши туғилган, 27799 киши янгидан сургун қилиб келтирилган, 217 киши қочқинликдан қайтариб келинган, 2847 киши бошқа турли сабаблар билан посёлкаларга келиб қўшилган, жами келганлар 31332 кишини ташкил этган. 1932 йил давомида 4156 киши ўлган, 7333 киши қочиб кетган, 755 киши бошқа турли сабаблар билан посёлкалардан кетган. Жами кетганлар 12244 кишини ташкил қилган. 1933 йил 1 январида махсус посёлкаларда 29559 киши рўйхатда бўлган².

Хуллас, 1930-1932 йилларда Ўзбекистонда қулоқ оилалари сургун қилинган махсус меҳнат посёлкалар тизими шакллантирилди. Уларга фақат туб аҳоли вакилларигина эмас, иттифокнинг турли минтақаларидан сургун қилиб келтирилган қулоқ оилалари ҳам жойлаштирилди. Бу посёлкалар мустабид совет тузумининг ўзига хос жазо муассасаси сифатида 1950 йилларнинг ўрталаригача фаолият кўрсатди.

1.2. Сургун қилинганларни жойлаштириш ва хўжалик жиҳатдан уюштириш

Махсус кўчирилганларни жойлаштириш ва хўжалигини ташкиллаштириш масалалари ВКП(б) МКнинг 1930 йил 30 январдаги қарорида маълум даражада ўз ифодасини топган эди. Унда нафақат деҳқон хўжаликларини қулоқ қилиш тартиби ва уларни умумий сонигина эмас, балки қулоқ оилаларини сургун қилиш лозим бўлган жойлар ҳам кўрсатиб ўтилганди. Қулоқ қилинганларни кўчирилиши ва жойлаштирилишини назорат қилиш учун дастлаб СССР ХКС қошида, кейинчалик КП(б) МКнинг Сиёсий бюроси ҳузурида махсус комиссиялар ташкил қилинди.

1930 йил 9 мартда РСФСР ХКС қарори билан РСФСР ички ишлар халқ комиссари В.Н.Толмачев бошчилигида, РСФСР Ер ишлари халқ комиссарлиги, Соғлиқ халқ комиссарлиги, Савдо халқ комиссарлиги, Ишчи-деҳқон инспекцияси халқ

¹ Трагедия среднеазиатского кишлака: коллективизация, раскулачивание, ссылка. Т.2. – С. 191-193.

² Трагедия среднеазиатского кишлака: коллективизация, раскулачивание, ссылка. 1929-1955 гг. Документы и материалы. Том. 2. – С. 201.

комиссарлиги, ОГПУ, Прокуратура, ВСНХ ва РСФСР молия халқ комиссарлиги вакиллари кирган махсус комиссия ташкил қилинди. Унга ўхшаш махсус комиссиялар кулоқ қилинганлар кўчирилган бошқа жойларда ҳам ташкил қилинган.¹

1930 йил 1 апрелида СССР ХКС махсус махфий комиссия ташкил қилиш тўғрисида қарор қабул қилди. Унинг таркибига СССР ХКС раиси ўринбосари В.В.Шмидт (раис), С.А.Мессинг (ОГПУ), В.Н.Толмачев (НКВД), Я.А.Теумин (НКФин), А.И.Муралов (НКЗем), Я.К.Ольский (ОГПУ), С.С.Лобов (ВСНХ), Ф.П.Грядинский (НКТорг) кирди. Комиссияга 10 кун ичида кўчирилган кулоқларни жойлаштириш ва хўжалик жиҳатдан уюштириш: яшаш жойини ажратиш, кўчирилганларни меҳнатидан фойдаланган ҳолда уй-жой қуриш ва бу ишларни молиялаштириш масаласини кўриб чиқиш топширилган эди.²

Махсус кўчирилганларни хўжалик ва маъмурий жиҳатдан жойлаштириш масалалари бир қатор ҳужжатлар орқали уюштирилган эди. Буларга партия директивалари ва турли норматив ҳужжатлар, айниқса, ОГПУ, НКВД органлари норматив ҳужжатлари кирар эди. 1930 йилда сургун қилинганларни жойлаштирилиши ва хўжалик жиҳатдан уюштирилиши ишлари СССР ХКС хузуридаги махсус махфий комиссиялар (СНК СССР хузурида В.В.Шмидт бошчилигида, СНК РСФСР хузурида В.Н.Толмачев раислигида), 1931-1932 йиллари ВКП(б) МК Сиёсий бюроси хузуридаги махсус комиссия (А.А.Андреев ва Я.Э.Рудзутак раислигида), 1933 йилдан ВКП(б) МК Сиёсий бюроси ва шахсан Сталин томонидан назорат қилинган.

1930 йил 30 январдаги ВКП(б) МК қарори қабул қилингандан сўнг СССР ХКС 1930 йил 3 февраль куни РСФСР ХКС ОГПУ билан биргаликда икки кун ичида кулоқларни жойлаштириш ва ишчи кучи сифатида ишлатиш тўғрисидаги лойиҳани ишлаб чиқиш топширилди.³

1931 йил ўрталаридан эътиборан Ўрта Осиё республикаларида, шу жумладан Ўзбекистонда ёппасига коллективлаштириш ва кулоқлаштириш сиёсати янгидан авж олдирилди. Бунга мувофиқ равишда кулоқ хўжаликларини сургун қилиш, янги махсус посёлкалар ташкил этиш ҳам авж олади. СССР Халқ Комиссарлари Совети хузуридаги кулоқ хўжаликларини сургун қилиш ва жойлаштириш бўйича А.А.Андреев бошчилигидаги комиссиянинг 1931 йил 31 мартдаги йиғилишида «Ўрта Осиёда бой хўжаликларни ички сургун қилиш ҳақида»ги масала муҳокама қилиниб, унда ВКП(б) МК Ўрта Осиё бюросининг Ўзбекистон, Туркменистон ва Тожикистонда кулоқ

¹ Ивницкий Н.А. Судьба раскулаченных в СССР. – М.: «Собрание», 2004. – С. 127-128.

² История Сталинского ГУЛАГа. Конец 1920-х – первая половина 1950-х годов. Собрание документов в 7-ми томах. / Т.5. Спецпереселенцы в СССР. /Отв. ред. и сост. Т.В.Царевская-Дякина. – М.: «РОССПЭН», 2004. – С. 422.

³ Шашков В.Я. Раскулачивание в СССР и судьбы спецпереселенцев. – С. 112.

хўжаликларини ички сургун қилиш ҳақидаги таклифи маъқулланган ва республикаларнинг шимолий районларидаги қулоқ хўжаликларини Ўрта Осиё ичида 1931 йилнинг баҳорида ички сургун қилишга рухсат берилган.¹

Шу тариқа 1931 йилнинг баҳорида ўтказилган ички сургун натижасида Ўрта Осиё республикаларидаги қулоқлар сургун қилинган посёлкалар сони ҳам кўпайиб борди. Чунончи, 1931 йилнинг июлида Ўрта Осиё бўйича жами 21 та қулоқ посёлкалари мавжуд бўлиб, ундан 17 таси Ўзбекистон ССРда, 2 таси Туркменистон ССРда ва 2 таси Қирғизистон АССРда эди. Тожикистон АССР ҳудудида бу давргача қулоқ посёлкаси ташкил қилинмаган. Ўзбекистон ва Туркменистон ҳудудларидаги махсус посёлкалар бу йилларда ОГПУнинг Ўрта Осиёдаги мухтор вакиллиги қошидаги Махсус кўчирилганлар бўлимига, Қирғизистон АССР махсус посёлкалари эса ОГПУнинг Қозоғистондаги мухтор вакиллигига бўйсунган. 21 та посёлкадан 5 таси 1930 йил баҳорида ташкил қилинган.² ОГПУнинг Ўрта Осиёдаги мухтор вакиллигининг 1931 йил 1 июлдаги ҳисоботида бу посёлкалар дислокацияси, таркиби ҳақида айрим маълумотлар келтириб ўтилган. Ўзбекистондаги қулоқ посёлкалари ҳақидаги умумий маълумот қуйидаги жадвалда акс этган:

Ўзбекистондаги қулоқ посёлкалари ҳақида 1931 йил 1 июлгача бўлган маълумот³

| Район | Посёлкалар сони | Посёлкалар жойлашган ҳудуд | ташкил топган вақти | хўжалик сони | киши сони | меҳнат ярқл. сони |
|-----------------|-----------------|--|---------------------|----------------|------------------|-------------------|
| Қўқон райони | 2 | «Майда юлғун» қишлоғи «Қора кўрпа» қишлоғи Район марказигача 20 км | 20.03.- 1931 | 127 108 | 490 409 | 83 56 |
| Чуст-Поп райони | 1 | Булоқбоши қишлоғи – район марказигача 20 км. | 1930 й. баҳори | 59 | маълум от йўқ | 25 |
| Оқдарё райони | 1 | Байробод қишлоғи – район марказигача 20 км. | 21.03. 1931 | 49 | 135 | 51 |
| Икромов райони | 3 | пос.№1. Раватак қишл. пос.№2. Шамбулоқ қишл. пос.№3. Қора ариқ қишл. | 1931й. баҳори | 15 19 20 | 34 105 123 | 18 13 36 |
| Ғиждувон райони | 1 | Райнобод қишлоқ совети | 1930 й. | 75 | 435 | 116 |
| Бауман* | 2 | пос.№1. Жилвон қиш./с. | 1930 й. | 47 | 81 | 42 |

¹ Трагедия среднеазиатского кишлака: коллективизация, раскулачивание, ссылка. Т.2. – С. 294.

² Трагедия среднеазиатского кишлака: коллективизация, раскулачивание, ссылка... Т.2. – С. 303.

³ Жадвал Трагедия среднеазиатского кишлака... Т.2. 303-314-бетларидаги жадвал ва маълумотлар асосида жамланди.

| | | | | | | |
|-----------------|----|---|-------------------|----------------|------------------|-----------------|
| райони | | пос.№2. Қуладин қиш./с. | баҳори | 106 | 451 | 125 |
| Денов райони | 3 | пос.№1. Сангардак пос.№2. Тўполанг пос.№3. Орол | 1931 й. баҳори | 40 10 59 | маълум от йўқ | 31 |
| Сариосиё райони | 1 | Ватанчек қишлоқ совети | 1931 й. баҳори | 82 | маълум от йўқ | 91 |
| Кува райони | 2 | пос.№1.Надрейл қишл. пос.№2. Войстон қишл. | 1931 й. баҳори | 30 37 | маълум от йўқ | маълумот йўқ |
| Янгийўл райони | 1 | Район марказига 30 км масофада | 1931 й. баҳори | 19 | маълум от йўқ | маълумот йўқ |
| Жами: | 17 | | | 902 | 2168 | 687 |

Кўкон районидаги қулоқ посёлкалари Кўкон шаҳридан 20 км шимолда жойлашган бўлиб, кўчирилганлар учун 1500 таноб ер ажратиб берилган. Посёлкалар 7та участкага ажратилган. «Қора кўрпа» посёлкасига контрактация бўйича 432 таноб ерда, «Майда юлғун» посёлкасига эса 508 таноб ерда пахта етиштириш мажбурияти юкланган. 1931 йилнинг 1 июлигача биринчи посёлкада 178 таноб ерга, иккинчи посёлкада 237 таноб ерга пахта экилган. Лекин, посёлкаларда Кўкон шаҳар советидан ижарага олинган 150 та кетмондан бошқа қишлоқ хўжалик асбоб-ускуналари бўлмаган. Посёлкада 2 от, 2 буқа ва бир нечта эшак бўлган, холос.Май ойида маҳаллий ташкилотлар томонидан 7 та буқа берилган, шунингдек, бу ерга вақтинча трактор юборилган бўлиб, у билан 72 таноб ер хайдалган. 1 июлгача «Қора кўрпа» посёлкасида 180 таноб ердаги пахта 1 ва 2-чопикдан чиқарилган, «Майда юлғун» посёлкасида 151 таноб ердаги пахта 1-чопикдан, 4 таноби эса 2-чопикдан чиқарилган. 1931 йил июль ойида иккала посёлкада 6 та от, 15 та буқа, 6 та сигир, 17 бош қўй-эчки, 4 та омов, 1 та борона, 150 та кетмон ва 5 та арава бўлган.¹

Посёлкаларда озиқ-овқат запаслари бўлмаган, сургун қилинганлар тирикчилик ўтказиш учун навбати билан қариндошлариникига қатнаганлар. Шунингдек, қариндошлар ҳам озиқ-овқат олиб келиб турганлар. Айрим қулоқ хўжаликлари бозорда ўтин сотиб тирикчилик ўтказганлар. Боқувчиси йўқ аёллар яқин қишлоқларга қатнаб, турли юмушларни бажариб кун ўтказганлар. Посёлкаларни махсус қўриқлаш йўлга қўйилмаган. Иккала посёлкада комендант томонидан қулоқлардан қоровул қўйилган бўлиб, улар дўкон

* Собик Шофиркон райони.

¹ Трагедия среднеазиатского кишлака: коллективизация, раскулачивание, ссылка... Т.2. – С. 303-304.

ва чорва ҳайвонларини кўриқлаганлар. Посёлка комендантлари кечқурун колхозга - ўз уйига кетганлар.

Чуст-Поп кулоқ посёлкаси фақат номига ташкил қилинган бўлиб, бу ерга кулоқ хўжаликларининг фақат бир қисми кўчирилган. Улар қишлоқ советлари томонидан колхоз ва совхозлардаги турли ишларга сафарбар қилинган. Уларнинг доимий турар жойлари бўлмаган, колхозчиларнинг уйда яшаб турганлар. Озиқ-овқатни бозордан олганлар. Посёлка назорати ташкил этилмаган.¹

Оқдарё районидаги кулоқ посёлкасига 294 гектар тўқайзор ер ажратилган ва у тўртта участкага бўлинган. Сургун қилинган кулоқларнинг ҳаммаси Сайдон қишлоғи яқинидаги участкада яшаганлар. Улар қамишдан қилинган чайлаларда яшаганлар. Посёлкада турар жой ва ёрдамчи бинолар умуман бўлмаган. Посёлка аҳолиси озиқ-овқат маҳсулотлари ва саноат моллари билан таъминланмаган. Қулоқлар қариндош-уруғлари бериб турган озиқ-овқатлар билан тирикчилик ўтказган. Посёлкада 5 та от, 3 та буқа, 6 та эшак, 4 та омоч, 2 та мола, 1 та плуг, 1 та борона, 25 та кетмон ва 3 та ўроқ бўлган. Кулоқлар томонидан мажбурият бўйича 24 гектар ерга пахта экилган.²

Посёлка назорати яхши эмас, фақат комендант ва комендант ёрдамчисидан иборат бўлган. Сургун қилинганлар кайфияти жуда тушкун ҳолда бўлган.

Икромов районидаги уччала кулоқ посёлкаси Қорадарё ирмоғи соҳилида жойлашган. Сургун қилинганлар қамиш чайлаларда яшаганлар, айримлар ташландик биноларга ва масжидларга жойлашганлар. Уларни ҳолидан ҳамқишлоқлари ва қариндошлари хабар олиб турган. Бу посёлкалар ҳам озиқ-овқат ва саноат маҳсулотлари билан таъминланмаган. Сургун қилинганлар яқин колхозларга бориб ёлланиб ишлашни талаб қилганлар, лекин бунга руҳсат берилмаган. Посёлкаларга 162 гектар суғориладиган ер берилган. Барча ерлар бўйича қатъий мажбурият юкланган. 1 июлгача мажбуриятни бажаришдан ва ишга чиқишдан бош тортган 4 киши қамоққа олинган. Посёлкаларни кўриқлаш жуда ёмон аҳволда бўлган. Иккита посёлкага битта комендант тайинланган. Учта посёлка бўйича сургун қилинганлардан 163 киши қочиб кетган.³

Ғиждувон районидаги Райнобод посёлкасида 16 та буқа, 4 та от бўлиб, 64 гектар ер ажратилган. Посёлкада нормал турмуш тарзининг йўқлиги, қишлоқ хўжалик асбоблари, ишчи ҳайвонларининг етишмаслиги натижасида белгиланган қатъий мажбурият фақат 50 фоизга бажарилган. Қулоқлар озиқ-овқат билан ҳам, саноат моллари билан ҳам таъминланмаган. Қулоқлар нон талаби билан оммавий чиқишга ҳаракат қилганлар. Бу

¹ Трагедия среднеазиатского кишлака: коллективизация, раскулачивание, ссылка... Т.2. – С. 304-305.

² Трагедия среднеазиатского кишлака: коллективизация, раскулачивание, ссылка... Т.2. – С. 305.

³ Трагедия среднеазиатского кишлака: коллективизация, раскулачивание, ссылка... Т.2. – С. 305-306.

ердаги кулоқ оилалари ҳам қариндошлари ёрдамида тирикчилик ўтказганлар. Райнобод посёлкаси қуролланган 6 та милиционер томонидан қўриқланган.

Бауман (Шофиркон) районидаги Жилвон ва Қуладин кулоқ посёлкаларига 272 гектар ерда пахта етиштириш мажбурияти юкланган, лекин 116 гектар ерга чигит экилган холос. Жилвон посёлкасидаги ерларнинг асосий қисми қумликлардан иборат бўлиб, деҳқончиликка яроқсиз бўлган. Жилвон посёлкасида 11 та буқа, 3 та от, 4 та эшак, ва 41 бош майда ҳайвонлар бўлган. Қуладин посёлкасида эса 22 та буқа, 4 та от, 34 та эшак, 10 бош қорамол бўлган. Посёлкалар европача типдаги қишлоқ хўжалик асбоблари билан таъминланмаган. Шунингдек, озиқ-овқат таъминоти ҳам йўлга қўйилмаган. Жилвон посёлкаси 7 кишилик милиция наряди томонидан қўриқланган. Қуладин посёлкаси эса қўриқланмаган, сургун қилинганлар аввалги яшаш жойларига бемалол бориб келганлар.¹

Денов районидаги кулоқ посёлкаларида қишлоқ хўжалик асбоблари етишмаган, 109 хўжалик ихтиёрида 5 та буқа ва 11 та от бўлган, холос. Уччала посёлкада 31 та меҳнатга яроқли киши бўлган, қолганлари аёллар, қариялар ва болалар бўлган. Кулоқлар учун ажратилган 780 гектар ернинг 208 гектарига пахта, 370 гектарига каноп экилган, қолган 196 гектар ер деҳқончиликка яроқсиз бўлган. Посёлкаларнинг иқтисодий аҳволи оғир бўлган. Учта посёлка бўйича битта комендант тайинланган, қўриқлаш ишлари йўлга қўйилмаган.

Янгийўл кулоқ посёлкасига сургун қилинганлар ихтиёрида 4 та от, 3 та сигир ва 27 та кетмон бўлган. 10 та хўжаликка қатъий мажбурият юкланган, улар томонидан 13 гектар ерга пахта экилган. Посёлкада яшаш шароитлари оғир аҳволда бўлган. Сургун қилинганлар таъминоти ташкил қилинмаган. Посёлкага комендант тайинланмаган, қўриқлаш ишлари ҳам олиб борилмаган.

ОГПУнинг Ўрта Осиёдаги доимий вакили Г.П. Матсоннинг 1931 йил 7 майда Москвага йўллаган телеграммасида кулоқлар посёлкаларининг жойлашуви хабар қилинган. Ўзбекистонда 25 та посёлка бўлиб, жумладан Гиждувон районидаги Ройабод қишлоғида 73 хўжаликни бирлаштирган 1 та, Кулёдинода 101 хўжаликдан иборат 1 та, Қўқон районида 7 та, Оқдарё районида 1 та, Икромов номли районда 149 хўжаликни бирлаштирган 1 та, Сарисийё районида 82 хўжаликдан иборат 1 та, Данғара райони Жалигин қишлоқ советида 1 та, Сангардода 40 хўжаликдан иборат 1 та посёлка борлиги қайд қилинган. Шунингдек, телеграммада Тўполонда 10 хўжалик, Оролда 59 хўжалик, Кува районида 61 хўжаликдан иборат 2 та, Янгийўлда 16 хўжаликдан иборат 1 та,

¹ Трагедия среднеазиатского кишлака: коллективизация, раскулачивание, ссылка... Т.2. – С. 306-307.

Туркменистоннинг Денов районида Эшонработ деган жойда 54 хўжалик, Марв райони Чорлаеб қишлоғида 24 хўжаликни бирлаштирган посёлкалар мавжудлиги кўрсатилган¹.

Маълумотларга кўра, 1931 йил 1 майдан 15 июнигача ўрта Осиёнинг ўзидан шу минтақанинг ички районларига 1128 оила сургун қилиниб келтирилган ва қулоқ посёлкаларига жойлаштирилган. Айни вақтда бу қулоқ посёлкаларига ўрта Осиёдан ташқари бошқа минтақалардан ҳам қулоқлар кўчириб келтирилган. ОГПУ Транспорт бўлимига келиб тушган телеграммада Бокудан Красноводскка 1931 йил 28 февраль куни 417 қулоқ оилалари келтирилгани, улар Тошкентга, концлагерга кетаётгани, вагонлар қайноқ сув ва соқчилар билан таъминлангани, қулоқ оилаларини Тошкентга жўнатиш учун Красноводскда 1 март куни вагонларга жойлаштирилган, эшелоннинг ўз вақтида ҳаракат қилишига қаратилган чоралар кўрилгани таъкидланган.²

ВКП(б) Марказий Комитетининг махсус кўчкиндилар бўйича комиссияси 1931 йилнинг 22 ноябрида ВКП(б) МК Ўрта Осиё бюросининг “Туркменистондан қўшимча равишда 1000 қулоқ-бой оилаларини кўчириш тўғрисидаги илтимоси”ни кўриб чиқади. Комиссия Туркменистондан Ўзбекистонга қўшимча равишда 1000 қулоқ-бой оилани кўчириш учун Ўзбекистонда пахтачилик совхозлари ҳузурида махсус посёлкалар ташкил қилиш ва сургун қилинган қулоқ-бой оилалардан шу пахтачилик совхозларида ишчи кучи сифатида фойдаланишга руҳсат беради.

1931 йил 23 ноябрдаёқ ички кўчириш операцияси асосан тугалланади. 1000 хўжалик ўрнига 1035, 6546 киши ўрнига 6863 киши кўчирилади. 23 ноябрда Чоржўйдан Ўзбекистонга иккита эшелон йўлга чиқади, биринчи эшелондаги одамлар ташийдиган 21 та вагонга 130 хўжалик (876 киши) жойлаштирилган ва ёпиқ икки вагондаги Кармана станциясида туширилади. Иккинчи эшелонда одамлар ташийдиган 42 ва 1 ёпиқ, 1 классний вагонларга 947 хўжалик (1649 киши), шундан 441 эркак, 423 аёл, 785 болаларга ярим ойга етадиган озиқ-овқат, қишлоқ кийим, оёқ кийими олиши айтилган. Уларга тиббий ёрдам кўрсатиш, жойлашадиган пунктгача соқчилар билан таъминлаш чоралари ҳам кўрилган³.

ОГПУнинг Ўрта Осиёдаги доимий вакили Е.Г. Евдокимов 25 ноябрда Г.Г. Ягодага берган хабарида 10 минг оилани ички ҳудудларга кўчириш масаласи Ўзбекистоннинг директив органлари билан келишилгани, унга махсус қишлоқ ташкил бўлгани, улардан бири 400 хўжалик жойлашадиган Қуйихон совхозида, иккинчиси 300 хўжаликка

¹ Шамсутдинов Р.Т. Қишлоқ фожеаси: жамоалаштириш, қулоқлаштириш, сургун. (Ўрта Осиё республикалари мисолида). Тошкент. “Шарқ”, 2003. 459-460-бетлар.

² Шамсутдинов Р.Т. Қишлоқ фожеаси: жамоалаштириш, қулоқлаштириш, сургун. (Ўрта Осиё республикалари мисолида). Тошкент. “Шарқ”, 2003. 460-бет.

³ Шамсутдинов Р.Т. Қишлоқ фожеаси: жамоалаштириш, қулоқлаштириш, сургун. (Ўрта Осиё республикалари мисолида). Тошкент. “Шарқ”, 2003. 462-463-бетлар.

мўлжалланган “Нарпай” совхозида ва учинчиси “Ангор” совхозида ташкил этилгани айтилган.

1932 йилнинг 5 мартида Ўрта Осиё бўйича 5 та 3-тоифадаги кулоқлар сургун қилинган посёлка бўлган. Бу посёлкаларда 2073 оила (9712 киши) бўлган. Бу пайтгача посёлкалардан 15 киши қочиб кетган.

ВКП(б) МК Сиёсий бюросининг 1932 йил 8 февралдаги йиғилишида «Махсус кўчирилганларни жойлаштириш ва меҳнатидан фойдаланиш» масаласи кўриб чиқилган. Йиғилишда сургун қилинган кулоқ оилаларини жойлаштириш ва хўжалик ташкилотларига бириктириш бўйича давлат ва ҳукумат қарорлари тўла бажарилмаётганлиги айтиб ўтилган. Шунингдек, сургун қилинганларни турор жой билан, озиқ-овқат билан таъминлаш ҳолати ҳам ўта қониқарсиз экани таъкидланган. Йиғилишда сургун қилинган ҳудудларда мавжуд аҳволни яхшилаш, чунончи, оммавий эпидемияларнинг олдини олиш, тиббий, маданий-маърифий хизматни йўлга қўйиш, икки ой муддатда саноат ва қишлоқ хўжалигида банд бўлган махсус кўчирилганлар яшаётган посёлкаларда қишлоқ хўжалик, саноат-хунармандчилик артелларини ташкил этиш ҳақида қарорлар чиқарилган.¹

1932 йил 1 январида Ўрта Осиё республикалари бўйича махсус посёлкаларда 10471 киши рўйхатда бўлган. 1932 йил давомида 499 киши туғилган, 27799 киши янгидан сургун қилиб келтирилган, 217 киши қочқинликдан қайтариб келинган, 2847 киши бошқа турли сабаблар билан посёлкаларга келиб қўшилган, жами келганлар 31332 кишини ташкил этган. 1932 йил давомида 4156 киши ўлган, 7333 киши қочиб кетган, 755 киши бошқа турли сабаблар билан посёлкалардан кетган. Жами кетганлар 12244 кишини ташкил қилган. 1933 йил 1 январида махсус посёлкаларда 29559 киши рўйхатда бўлган.²

¹ Трагедия среднеазиатского кишлака: коллективизация, раскулачивание, ссылка. Т.2. – С. 191-193.

² Трагедия среднеазиатского кишлака: коллективизация, раскулачивание, ссылка. 1929-1955 гг. Документы и материалы. Том. 2. – С. 201.

2-боб. СУРГУН ҚИЛИНГАН ҚУЛОҚЛАРНИНГ БУНЁДҚОРЛИК ФАОЛИЯТИ

2.1 Махсус кўчирилганлар меҳнاتини ташкил қилиш формалари

«Қулоқ» хўжалиklarини сургун қилишнинг дастлабки даврида сургун қилинганларни маъмурий бошқариш, хўжалик жиҳатдан уюштириш, шунингдек, ҳуқуқий ҳолатини белгилаш масаласида ҳам ўта чалкашлик ва тартибсизликлар юз берди. ВКП(б) МК Сиёсий бюросининг 1930 йил 30 январдаги «Ёппасига коллективлаштириш районларида қулоқ хўжалиklarини тугатиш тадбирлари тўғрисида»ги қарорида сургун қилинадиган қулоқ оилаларининг ҳуқуқий ҳолати масаласи умуман қўйилмаган эди. Қарорда фақатгина сургун қилинаётган оила аъзолари «ўз ихтиёрига кўра ва маҳаллий ижрокомлар розилиги билан аввалги яшаш жойида вақтинча ёки доимий қолиши мумкинлиги» кўрсатиб ўтилган эди, холос.

1931 йилнинг июлигача сургун қилинган қулоқларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари қонунан аниқ белгиланмаган ва тартибга солинмаган. Мамлакатнинг чекка минтақаларига сургун қилинганлар ҳам, округ ва районлар ичида кўчирилганлар ҳам ҳуқуқий жиҳатдан суд қарори билан сургун қилинганларга тенглаштирилиб, барча фуқаролик ҳуқуқларидан ва имтиёزلардан маҳрум қилинганлар. Ташкилий жиҳатдан эса, «қулоқ»лар муддатли сургун қилинганлардан бирмунча фарқ қилганлар. Чунончи, улар ўз малакалари бўйича иш билан таъминланганлар. Яшаш жойини танлаш, турар жойларнинг хусусияти, машғулот тури ва формалари, тартиб-қоидалар тегишли хўжалик ташкилоти томонидан белгиланган¹.

Сургун жойида қулоқлар шахсий истеъмол ашёларидан ташқари барча турдаги мулкка эгаллик қилиш ҳуқуқидан ҳам маҳрум этилган. Уларнинг хўжалик-маиший турмушини ташкил этишга мўлжалланган жиҳозлар – турар жой, умумий фойдаланиш биноларидаги жиҳозлар ва меҳнат қуроллари давлат мулки ҳисобланган. Сургун қилинганларнинг турмуш кечириши билан боғлиқ барча ҳаракатлар ва жараёнлар умумлаштирилган. Жумладан, белгиланган нормадаги озиқ-овқат умумий ошхоналардаги умумий қозондан тарқатилган, ҳаммомлар, кир ювиш жойлари, тиббий пункт ва касалхоналар, мактаблар, клублар, болалар уйлари умумлаштирилган. Бу тартибда шахсий маиший ҳаёт кўринишларини имкон қадар намоён қилмасликка ҳаракат қилинган. Шахсий маиший ҳаёт кўринишлари болаларда хусусий мулкчилик кайфиятини юзага келтиради, деб ҳисобланган.

¹ Советская деревня глазами ВЧК-ОГПУ-НКВД. 1918-1939. Документы и материалы. / Том 3. 1930-1934. Книга 1. 1930-1931 гг. / Под ред. А.Береловича, В.Данилова. – М.: «РОССПЭН», 2003. – С. 604.

Махсус посёлкаларда ўрнатилган ички тартиб ва мажбуриятларга нисбатан сургун қилинганларнинг суистеъмол ҳаракатлари посёлка маъмурияти томонидан белгиланган қоидалар асосида жавобгарликка тортилиши белгиланган. Жиноий ҳаракат содир этганлар эса умумфуқаролик суди томонидан жавобгарликка тортилиши кўрсатилган. Сиёсий жиноятлар, посёлкадан қочиб кетиш, муғомбирлик, меҳнатдан бўйин товлаш, норозилик кўринишлари ва шунга ўхшаш хатти-ҳаракатлар ОГПУ органлари орқали жавобгарликка тортилган¹.

Юқоридаги низомда махсус кўчирилганлар ҳуқуқий ҳолатининг барча масалалари акс этмаган эди. Жумладан, иш вақти, тегишли соҳалар бўйича мажбурият ва нормалар, иш ҳақи, иш ҳақидан олиб қолинадиган чегирмалар, посёлка маъмурияти томонидан махсус кўчирилганларга нисбатан қўлланадиган жазо чоралари шакли ва унинг меёри каби масалалар аниқ кўрсатилмаган эди. Бу каби масалаларда жойлардаги махсус посёлкалар маъмурияти ва хўжалик ташкилотлари ўз билганларича иш тутганлар. Натижада бу борада ўзбошимчалик, ҳаддан ошишлар содир бўлиб турган.

Шу ўринда қайд этиб ўтиш лозимки, СССР Халқ Комиссарлари Советининг сургун қилинган қулоқлар масаласи бўйича комиссияси 1930 йил 5 апрелдаги йиғилишида сургун қилинган қулоқлардан ишчи кучи сифатида фойдаланганда, улар меҳнатига ҳақ тўлаш шу соҳада ишлаётган эркин ишчиларники билан бир хилда бўлиши ҳақида қарор чиқарган эди². Лекин, СССР ХКСнинг 1930 йил 5 майдаги қарорида комиссия қарорининг бу банди «сургун қилинган қулоқлардан ишчи кучи сифатида фойдаланганда, уларнинг иш ҳақлари шу соҳада фаолият кўрсатаётган бошқа ишчиларникига нисбатан 20-25 фоиз камроқ бўлиши зарур ва уларга ижтимоий суғурта ҳақидаги қонун татбиқ этилмайди», деб ўзгартирилди.

Сургун қилинган қулоқ хўжаликлари қаерда ишчи кучи зарур бўлса, ўша ерга оила аъзолари билан бирга жойлаштирилди. Маҳаллий ҳукумат оғир шароит остида қолган қулоқ оила аъзоларининг эҳтиёжи билан қизиқмади. Бу вазиятда айниқса ёш болалар, кексалар ва ногиронлар ночор аҳволда қолди. Қишлоқ хўжалиги билан банд бўлган жойларда, хусусан, Ўрта Осиё махсус посёлкаларида 12 ёшли болалар ҳам пахтачилик ишларига катталар билан баб-баравар сафарбар қилинди³.

1931 йил 25 октябрда тасдиқланган «Махсус кўчирилганлар ҳуқуқи ва мажбуриятлари ва посёлка маъмурияти функциялари бўйича ОГПУнинг муваққат

¹ Советская деревня глазами ВЧК-ОГПУ-НКВД. Том 3. Кн. 1 – С. 606.

² Трагедия советской деревни. Коллективизация и раскулачивание. Документы и материалы в 5 томах. / Под ред. В.Данилова, Р.Маннинг, Л.Виолы. Т.2. Ноябрь 1929 - декабрь 1930 г. / Отв. ред. Н.Ивницкий. – М.: РОССПЭН, 2000. – С. 378.

³ Трагедия среднеазиатского кишлака: коллективизация, раскулачивание, ссылка 1929-1955 гг. Документы и материалы. Т. 2. / Сост.: Р.Т.Шамсутдинов, Б.М.Расулов. Под ред. Д.А.Алимовой. – Т.: Шарқ, 2006. – С. 320.

низоми»да белгиланган ҳуқуқ ва мажбуриятлар меёрини таҳлил қилиб ўтиш мақсадга мувофиқдир. «Муваққат низом»нинг мажбуриятлар бўлимида «махсус кўчирилганларнинг меҳнатга яроқли барчаси оммавий-фойдали меҳнат билан шуғулланишлари шарт», деб кўрсатилган эди. Иш тури ва жойи махсус кўчирилганлар бошқарувига масъул ОГПУ органлари томонидан белгиланган.¹

Махсус кўчирилганлар ва оила аъзолари ОГПУ комендатураси руҳсатисиз яшаб турган посёлка ҳудудидан ташқарига чиқиш, яшаш жойини ўзгартириш ҳуқуқига эга бўлмаган. Улар давлат ва жамоа мулкларини, жумладан, яшаётган уйдаги жиҳозларни, қишлоқ хўжалик асбоб-ускуналарини асраб авайлашлари шарт бўлган. Махсус кўчирилганлар ва оила аъзолари ОГПУ комендатураси томонидан посёлкада жорий қилинган тартиб-қоидаларга сўзсиз бўйсунуши ва риоя қилиши, посёлка маъмурияти, маҳаллий совет органлари ва совет ҳукуматининг барча қарор-кўрсатмаларини ҳаётга тўла татбиқ этишлари лозим эди. Уларнинг ишлаб чиқариш соҳасидаги мажбуриятлари тегишли хўжалик ташкилотларида амалда бўлган тартиб-қоидалар асосида белгиланган².

Турли ишларда банд бўлган махсус кўчирилганлар ва оила аъзолари меҳнатга ҳақ тўлаш, озиқ-овқат ва турли товарлар таъминоти масаласида эркин ёлланиб ишловчи ишчилар билан тенглаштирилган. Лекин, махсус кўчирилганлар иш ҳақининг 15 фоизи маъмурий бошқарув ва хизмат кўрсатиш харажатлари учун ушлаб қолиниши низомда алоҳида таъкидланган. Низомга кўра, махсус кўчирилганлар ва оила аъзолари тиббий ва социал хизматдан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлиб, уларга маҳаллий жойларда махсус ташкил этилган даволаш муассасаларида бепул хизмат кўрсатилиши айтилган. Ёлланиб ишлаётган махсус кўчирилганлар суғурта устамаларига умумий тартиб бўйича киритилиб, ижтимоий суғурта органларидан вақтинча меҳнат қобилиятини йўқотганлик учун нафақа ҳамда туғилиш ва дафн учун ёрдам пулларини касаба уюшмаларига аъзо бўлмаган эркин ишчилар билан бир хил миқдорда олиш ҳуқуқига эга бўлган. Ҳеч кими йўқ етимларга, шунингдек, ёлғиз қария ва ногиронларга ижтимоий ёрдам кўрсатилиши (интернатларга жойлаш ёки меҳрибонлик уйларига топшириш кўринишида), бу каби ижтимоий ёрдамлар маҳаллий соғлиқни сақлаш, маориф ва социал таъминот органлари томонидан амалга оширилиши кўрсатиб ўтилган³.

Махсус кўчирилганлар ва уларнинг оила аъзоларига маҳаллий мактабларга ва турли курсларга эркин фуқаролар билан бир хил шартлар асосида қабул қилиниш ҳуқуқи берилган. Бироқ, низомнинг бу пунктига тўла амал қилинмаган. Биринчидан, кўпгина

¹ Абдуллаев М., Қобилов А. Махсус кўчирилганларнинг 1930 йиллардаги ҳуқуқий ҳолатига доир. // Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 18 йиллиги муносабати билан ўтказилган минтақавий илмий-амалий семинар материаллари. – Андижон, 2011. 75-бет.

² Абдуллаев М., Қобилов А. Махсус кўчирилганларнинг 1930 йиллардаги ҳуқуқий ҳолатига доир. 75-бет.

³ Ўша ерда.

махсус посёлкаларда, хусусан, Ўрта Осиёдаги махсус посёлкаларда мактабнинг ўзи йўқ эди, мавжуд мактаблар ҳам посёлкадан олисда жойлашганди. Иккинчидан, айрим маҳаллий мактаб маъмуриятлари кулоқ фарзандларини мактабга қабул қилишдан бош тортганлар.

Махсус кўчирилганлар ва оила аъзолари ОГПУ комендатурасининг санкцияси асосида посёлкалар ичида маданий-маърифий ташкилотлар (мустикал ўқиш тўғараклари, турли санъат ва санитария тўғараклари) тузиш, шунингдек, комендатура руҳсати билан маданий-маърифий характердаги йиғилишлар ўтказиш, зарбдорчилик ва мусобақа масалаларида ҳамда посёлкадаги оммавий-маиший тартиб масалаларида тўпланиш ҳуқуқига эга бўлган. Лекин, барча оммавий йиғилишлар ОГПУ комендатураси вакили иштирокида ўтказилиши шарт бўлиб, қабул қилинган қарорлар ОГПУ комендатураси томонидан тасдиқланганидан кейингина ҳақиқий ҳисобланган.

Махсус кўчирилганлар ва оила аъзоларига мамлакатда нашр қилинган барча турдаги адабиёт, газета-журналларга обуна бўлиш ва фойдаланишда, барча турдаги ёзишмалар олиб бориш, пул жўнатмалари ва посилкалар олишда чекланмаган ҳуқуқ берилган. Лекин, шуни қайд этиб ўтиш лозимки, махсус кўчирилганларнинг ўзаро ёзишмалари ОГПУ органлари томонидан текширилган. 1930 йил июнь ойининг фақат ўн кунда махсус кўчирилганларнинг 16790 та хати ОГПУ органлари томонидан ўқиб чиқилган ва хатларнинг 8871 таси мусодара қилинган. Ўқиб чиқилган хатларнинг фақат 143 таси «ижобий мазмунга эга» деб топилган¹.

Махсус кўчирилганлар ОГПУ органларига ва совет ҳукуматига шикоят ва аризалар билан мурожаат қилиш ҳуқуқига ҳам эга бўлган, лекин бу борада чекловлар бўлган. Масалан, нотўғри сургун қилинганлик ҳақидаги аризалар 1930 йилдан кейин умуман қабул қилинмади. ОГПУ раиси ўринбосари С.А.Мессингнинг ахборотига кўра, бундай аризалар фақат «қизил армия хизматчилари, фуқаролар уруши қатнашчилари, партизан ҳаракати қатнашчилари оиласидан»гина қабул қилинган².

Махсус кўчирилганларга ўз ҳисобларидан уйлар ва ёрдамчи бинолар қуриш, уй-рўзғор буюмларига эгалик қилиш ва чорва ҳайвонлари асрашга руҳсат берилган. Сургун қилинганларнинг бу даврдаги яшаш шароитлари ва моддий аҳволини таҳлил қилиб айтиш мумкинки, уларда бундай имконият деярли йўқ эди.

Низомнинг бир бандига кўра, махсус кўчирилганлар ОГПУ комендатураси орқали 14 ёшгача бўлган фарзандларини ва меҳнатга яроқсиз қарияларни ўз қариндошлари ёки яқинлари тарбияси ва қарамоғига бериши мумкин эди. Бироқ, махсус кўчирилганларнинг

¹ Ивницкий Н.А. Судьба раскулаченных в СССР. – М.: «Собрание», 2004. – С. 136.

² Советская деревня глазами ВЧК-ОГПУ-НКВД. Том 3. Кн. 1 – С. 575

бу ҳукуки кейинчалик ОГПУ органлари томонидан сургун қилинганларнинг посёлкалардан қочиш стимулларида бири сифатида бекор қилинган. Бинобарин, фарзандларини қариндошлари қарамоғига бериб юбориб, ёлғиз ўзи қолган махсус кўчирилганларнинг посёлкадан қочиш кетиши нисбатан осон бўлган.

Махсус кўчирилганларнинг эркин фуқаролар билан турмуш қуриши ва умумий тартибда ФХДЁ (ЗАГС) дан ўтиши мумкин эди. Бироқ бу ҳол улардан фуқаролик ҳукуки чекловлари олинишига асос бўлмаган, шу билан бирга махсус кўчирилганлар билан турмуш қурганлар ҳам ўз ҳуқуқларини йўқотмаганлар. Махсус кўчирилганлар билан турмуш қурган эркин фуқаролар махсус посёлкаларга келиб яшаши мумкин эди, лекин махсус кўчирилганларнинг посёлкадан кетиши мумкин бўлмаган.

1934 йил 27 майда СССР МИКнинг «Собиқ қулоқларнинг фуқаролик ҳуқуқларини тиклаш тартиблари тўғрисида»ги қарори қабул қилинди¹. Унда совет ҳукумати тадбирларини қўллаб-қувватлаган ва чин дилдан меҳнат қилган махсус кўчирилганларнинг сургун қилинганига 5 йил тўлганида, ОГПУнинг жойлардаги мухтор вакилликлари тавсиясига кўра, фуқаролик ҳуқуқлари тикланиши айтилган эди. Ушбу қарорга мувофиқ 1934 йил ноябригача мамлакат бўйича 8505 оила – 31364 кишининг фуқаролик ҳуқуқлари тикланган. Улардан 6017 оила – 23507 киши аввалги яшаш жойларига жўнаб кетган, 2488 оила – 7857 киши эса посёлкаларда қолган². Ўрта Осиёдаги махсус посёлкалардан эса 78 кишининг фуқаролик ҳуқуқлари тикланган, уларнинг барчаси посёлкаларда қолган³. ГУЛАГ бошлиғи М.Д.Берманнинг 1935 йил 2 январда НКВД бошлиғи Г.Г.Ягодага юборган ахборотида махсус кўчирилганларнинг фуқаролик ҳуқуқлари тикланиши муносабати билан уларнинг махсус посёлкалардан жўнаб кетишлари оммавий тус олгани, бунинг оқибатида хўжалик издан чиқиб кетаётгани баён қилинган эди. Ахборотда бу вазиятни олдини олиш учун НКВД раҳбариятига қуйидагилар таклиф қилинди: махсус кўчирилганлар фуқаролик ҳуқуқларини оммавий тиклашни тўхтатиш; фақат сургун жойида қоладиган махсус кўчирилганлар ҳуқуқини индивидуал тартибда тиклашни йўлга қўйиш; ҳуқуқлари тикланган махсус кўчирилганлар ўртасида уларнинг сургун жойида қолишига қаратилган оммавий ишларни ташкил этиш; ҳуқуқлари тикланган махсус кўчирилганларни аввалги яшаш жойларига қайтиб кетишларига йўл қўймаслик⁴.

¹ Трагедия среднеазиатского кшшлака... Т.2. – С. 219.

² Земсков В.Н. Спецпоселенцы в СССР. 1930-1960. – М.: «Наука», 2003. – С. 63.

³ История Сталинского ГУЛАГа. Конец 1920-х – первая половина 1950-х годов. Собрание документов в 7-ми томах. / Т.5. Спецпереселенцы в СССР. / Отв. ред. и сост. Т.В.Царевская-Дякина. – М.: РОССПЭН, 2004. – С. 208.

⁴ История Сталинского ГУЛАГа. / Т.5. Спецпереселенцы в СССР. – С. 207-208.

1935 йил 17 январда бундай маълумот ВКП(б) МКга – шахсан Сталин номига ҳам юборилди. Унда МИКнинг 1934 йил 27 майдаги қарорида ҳуқуқлари тикланган махсус кўчирилганларнинг посёлкадан кетиши ҳақида махсус пункт бўлмасада, уларнинг сургун жойидан кетиб қолиши оммавий тус олгани, бу эса кимсасиз жойларни ўзлаштириш тадбирларини барбод қилаётгани таъкидланиб, МИК томонидан махсус кўчирилганларни посёлкада сўзсиз қолишларини таъминловчи махсус қарор чиқарилиши лозимлиги айтилган эди. Шунингдек, маълумотда ҳуқуқлари тикланган махсус кўчирилганларнинг аввалги яшаш жойига қайтиб боришлари «сиёсий томондан ҳам маъқул эмаслиги» қайд қилинганди.¹

1935 йил 25 январда СССР Марказий Ижроия Комитетининг 1931 йил 3 июлдаги ва 1934 йил 27 майдаги қарорларига тузатиш киритувчи махсус қарор қабул қилинди. Унда «Фуқаролик ҳуқуқларининг тикланиши сургун жойидан кетиш ҳуқуқини бермайди» деган кўшимча киритилган эди². СССР Ички ишлар Халқ Комиссарлиги бу қарорга мувофиқ 15 мартда махсус кўрсатма ишлаб чиқиб, НКВДнинг республика, ўлка ва областлардаги органларига юборган. Бу кўрсатмага кўра “қулоқ”лар фуқаролик ҳуқуқлари тикланганидан кейин ҳам аввалги сургун жойида яшаб қолишга мажбур эдилар. Бу қарорга қадар фуқаролик ҳуқуқи тикланиб, сургун жойидан аввалги яшаш жойига жўнаб кетишга улгурган қулоқларни яна сургун жойига қайтариб келиш зарурлиги кўрсатмада айтиб ўтилган³.

Баъзи бир ҳолларда фуқаролик ҳуқуқи тикланган меҳнат зарбдорларига маълум бир муддатга туғилган жойига бориб келишига рухсат берилган. Бунда уларга вақтинчалик паспорт билан бирга район НКВД бўлими бошлиғи тасдиқлаган рухсатнома берилган. Фуқаролик ҳуқуқи тикланган меҳнат кўчкдиларининг рўйхати туман комендатуралари ҳисобидан чиқарилиб, алоҳида рўйхатга олинганлар. Улар ўзбошимчалик билан сургун жойини ташлаб кетган тақдирда жиноий жавобгарликка тортилганлар⁴.

Юқоридаги қарорлар бўйича махсус кўчирилганларнинг фуқаролик ҳуқуқларининг тикланиши уларнинг ҳуқуқий ҳолатига деярли ўзгаришлар киритмади. Энг муҳими, бу қарорлар амалиётида қонунчиликнинг умумэтироф этилган принциплари бузилди. Қарор пунктлари анча аввал фуқаролик ҳуқуқи тикланганларга нисбатан ҳам татбиқ этилди. Чекланган ҳаракат қондасини бузганлар жавобгарлик бўйича қамоқдан қочган

¹ Ивницкий Н.А. Судьба раскулаченных в СССР. – С. 139.

² Қаранг: Собрание законов СССР. 1935. № 7. – С. 57.

³ Абдуллаев М., Қобилов А. Махсус кўчирилганларнинг 1930 йиллардаги ҳуқуқий ҳолатига доир. 77-78-бетлар.

⁴ Ўша мақола. 78-бет.

махбусларга тенглаштирилди. Яъни, улар Жиноят кодексининг 82-моддаси бўйича уч йилгача озодликдан маҳрум қилиниши мумкин эди.

Фуқаролик ҳуқуқлари тикланган махсус кўчирилганлар ҳуқуқининг чекланишига доир яна бир ҳолат диққатга лойиқдир. СССР НКВД Ишчи-деҳқон милицияси бош бошқармаси (ГУРКМ) нинг ҳуқуқлари тикланган махсус кўчирилганларга паспорт бериш тўғрисидаги йўриқномасида уларга фақат меҳнат посёлкаси жойлашган район доирасида амал қиладиган паспорт берилиши белгиланган. Бундай паспорт эгаси сургун жойидан бошқа жойда яшаши учун қайдга олинмас эди¹.

1935-1936 йилларда мамлакат бўйича 115676 сургун қилинган қулоқларнинг фуқаролик ҳуқуқлари тикланди. Жумладан, Ўрта Осиё бўйича ҳуқуқи тикланганлар 502 киши бўлиб, ундан 362 нафари Ўзбекистон, 113 нафари Тожикистон, 27 нафари Қирғизистон меҳнат посёлкалари ҳиссасига тўғри келган.² Ўрта Осиё меҳнат посёлкаларида сургун қилинганлар фуқаролик ҳуқуқларининг тикланиш даражаси иттифоқ миқёсидаги кўрсаткичдан анча паст бўлган. Масалан, Фарбий Сибирь ўлкасида фуқаролик ҳуқуқи тикланганлар бу ўлкага жами сургун қилинганларнинг 25,2 фоизини ташкил этгани ҳолда, бу кўрсаткич Ўрта Осиёда 1,4 фоиз бўлган (Ўзбекистонда - 2,5 фоиз; Тожикистонда - 1,2 фоиз; Қирғизистонда - 0,22 фоиз)³.

1936 йил 5 декабрда қабул қилинган СССРнинг янги Конституцияси меҳнат кўчкиндилари ҳуқуқий аҳволига бирмунча ўзгаришлар киритди. Унинг 135-моддасида меҳнат кўчкиндилари тўла ҳуқуқли фуқаролар деб эълон қилинди, уларнинг барчаси сайлаш ҳуқуқига эга бўлди. 1936-37 йилларда меҳнат посёлкаларида руҳий кўтаринкилик юзага келиб, сургун қилинганларда ўз туғилиб ўсган қишлоқларига қайтиш умиди пайдо бўлганди. Бироқ, уларнинг бу умиди пучга чикди, меҳнат кўчкиндилари тўла ҳуқуқли статусига эга бўлишига қарамай, белгиланган сургун жойидан кетиш ҳуқуқига эга эмас эди. Бу ҳол меҳнат кўчкиндилари учун «тўла ҳуқуқлилик» фақат сафсата эканини кўрсатди. НКВД бошлиғи Н.Ежов ва СССР прокурори А.Вишинскийнинг янги Конституция қабул қилинганлиги муносабати билан меҳнат кўчкиндилари ҳуқуқий аҳволини ўзгартириш бўйича таклифлардан иборат маърузаномаси 1937 йилнинг январидан ВКП(б) МК ва СССР ХКСга юборилган бўлсада, бу таклифлар ҳуқуқат томонидан қўллаб-қувватланмади.

1938 йил 22 октябрда СССР ХКСнинг №1143-280с сонли “Махсус кўчирилганлар ва сургун қилинганлар фарзандларига паспорт бериш тўғрисида”ги қарори эълон қилинди. Бу қарорга кўра сургун қилинган “қулоқ”ларнинг 16 ёшга тўлган фарзандлари паспорт

¹ Абдуллаев М., Қобилов А. Махсус кўчирилганларнинг 1930 йиллардаги ҳуқуқий ҳолатига доир. 78-бет.

² Земсков В.Н. Спецпоселенцы в СССР. – С. 64.

³ Кўрсатилган асар. 65-бет.

олишлари ва ишга жойлашиш ёки ўқиш учун бошқа ҳудудларга жўнаб кетишлари мумкин эди. Бирок, дастлабки ойларда бу қарор бўйича озод қилиш деярли амалга оширилмади, чунки унда айрим ноаниқликлар бор эди. 1939 йилда бу қарор бўйича «қулоқлар сургуни»дан 1824 киши озод қилинди, улар махсус посёлкалар барча аҳолисининг 0,2 фоизини ташкил қилди¹. Ўрта Осиёдаги махсус посёлкалардан озод қилинганлар бармоқ билан санарли миқдорда эди.

1939 йилнинг март ойида ГУЛАГ Махсус посёлкалар бўлими томонидан махсус кўчирилганларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, посёлка комендантларининг маъмурий бошқарув функциялари ва ҳуқуқларига доир янги низом лойихаси тайёрланиб, СССР НКВДсига тақдим этилди. Янги низом лойихасига 1932-1939 йилларда қабул қилинган ҳукумат меърий ҳужжатлари бандлари киритилган эди. Жумладан, меҳнат кўчқиндилари СССР Конституциясининг 135-моддасига кўра сайлаш ҳуқуқига эга, айти пайтда эса МИКнинг 1935 йил 25 январдаги қарорига кўра сургун жойидан кетиш ҳуқуқига эга эмаслиги қайд қилинган. Эркин фуқаролар билан турмуш қурганлар айрим ҳолларда НКВД бошқармаси розилиги билан меҳнат посёлкаси ҳисобидан чиқарилиб, озод қилиниши мумкинлиги лойихага янги кўрсатма сифатида киритилди. Низом лойихаси қолган масалалар бўйича 1931 йилги «Муваққат низом»ни асосан такрорлаган эди. Лекин бу янги низом лойихаси ҳам СССР ХКС томонидан қабул қилинмади.

СССР Олий Совети Президиумининг 1940 йил 26 июндаги «Саккиз соатлик иш куни, етти кунлик иш хафтасига ўтиш ва ишчи-хизматчиларнинг иш жойларидан рухсатсиз кетишларини таъқиқлаш тўғрисида»ги фармони ва бу бўйича қабул қилинган ҳужжатлар махсус кўчирилганлар ҳуқуқий ва ижтимоий аҳволини янада ёмонлаштирди. ГУЛАГ раҳбариятининг 1941 йил 26 мартда НКВД бошлиғига юборган рапортида меҳнат посёлкаларидан фақат 16 ёшга тўлган болаларни ўқишга бориши учун, қария ва ногиронларни эса қариндошлари қарамоғига бериш учун озод қилиш, қолган барча озод этишларни тўхтатиш таклиф қилинди. Бу таклиф НКВД раҳбарияти томонидан қабул қилинди. Бу билан СССР ХКС ва МИК томонидан аввал қабул қилинган қарорлар бўйича озод қилиш тўхтатилди. Бошқача айтганда, СССР НКВД ГУЛАГининг оддий бир таклифи давлат ва ҳукумат фармон-қарорларидан устунлик қилди.

Хуллас, уруш арафасида илгари қабул қилинган, махсус кўчирилганларни турли асослар бўйича озод қилишга қаратилган барча қарорлар амалий кучини йўқотди. Шунингдек, махсус кўчирилганлар ҳуқуқий аҳволига доир янги низом ҳам қабул қилинмади. 1931 йилги «Муваққат низом» эса бу даврга келиб, амал қилмай қўйган эди.

¹ Земсков В.Н. Спецпоселенцы в СССР. – С. 84.

2.2. Сургун қилинганларнинг пахтачилик соҳасидаги меҳнат фаолияти

Кулоқ хўжаликларини синф сифатида тугатиш ва сургун қилиш асосида уларнинг арзон ишчи кучидан мамлакатнинг чекка, ўзлаштирилмаган ҳудудларида кенг фойдаланиш совет давлатининг асосий мақсадларидан бири бўлган эди. Айниқса, Шимолий ўлка, Сибирнинг шимолий районлари, Қозоғистоннинг кўриқ ерлари, Шимолий Кавказ ва Ўрта Осиёнинг қурғоқчил ерларини ўзлаштиришда сургун қилинган кулоқларнинг арзон ишчи кучидан фойдаланиш режаси партия ва совет ҳукуматининг бу борадаги сиёсатида асосий масала сифатида кун тартибига қўйилди.

1930 йилнинг кузида 2-тоифа бўйича бошқа ўлкалардан сургун қилинган ва ўлка ичида кўчирилган 168 минг кулоқ оиласидан 86 мингтаси унумсиз ерларда деҳқончилик қилишлари учун маҳаллий ташкилотлар ихтиёрига берилган эди¹. Лекин, маҳаллий ижрокомлар юқорида кўриб ўтилганидек, бу борада самарали ишларни йўлга қўя олмади. Махсус кўчирилганлар бошқаруви ОГПУ органлари зиммасига ўтказилганидан кейин, улар меҳнатидан мақсадли фойдаланиш масаласи ҳам тартибли йўлга қўйила бошлади.

Ўзбекистоннинг чекка районларига сургун қилинган кулоқ оилаларининг деярли барчаси қишлоқ хўжалиги соҳаларида меҳнат қилганлар. Улар асосан, ўзлари томонидан ўзлаштирилган бўз ерларда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини йўлга қўйдилар.

Қишлоқ хўжалигида банд бўлган махсус кўчирилганларнинг салмоқли қисми – 255589 киши уставсиз қишлоқ хўжалик артелларида, 44550 киши эса совхозларда, саноат ташкилотлари ва ОГПУ органларининг ёрдамчи хўжаликларида ишладилар. Улардан 23124 киши пахтачилик билан, 7197 киши эса махсус техника экинлари етиштириш билан шуғулланди². Хусусан, 1932 йилда, Ўрта Осиёга сургун қилинган “кулоқ”лардан 4260 нафари қишлоқ хўжалигида меҳнат қилди³.

1930 йилда Ўзбекистонда “Боёвут”, “Савай”, “Булунғур”, “Ҳазорбоғ”, “Учкўрғон”, “Далварзин”, “Норин” совхозлари ташкил қилинган эди. Совхозларда яшаш учун етарли шароит яратилмаганлиги боис, ишчи кучи етишмаган, бошқа районлардан юборилган ишчиларнинг кўпчилиги ҳам шароит йўқлигидан кетиб қолган⁴. Совхозлардаги ишчи кучи танқислиги боис, сургун қилинган кулоқ хўжаликларининг асосий қисми янги ташкил қилинган совхозларга жойлаштирилган. Улар асосан, пахтачилик билан шуғулланганлар.

¹ Ивницкий Н.А. Судьба раскулаченных в СССР. – М.: “Собрание”, 2004. – С. 151.

² Шашков В.Я. Раскулачивание в СССР и судьбы спецпереселенцев 1930-1954 гг. – С. 151; РФДА, 374-фонд, 28-рўйхат, 4055-иш, 26-варак.

³ Ўша ерда.

⁴ Бу ҳақда қаранг: Шамсутдинов Р. Қишлоқ фожеаси: жамоалаштириш, кулоқлаштириш, сургун. – 447-552-бетлар.

СССР ХКС ва МИКнинг 1930 йил 3 октябрдаги “Махсус кучирилганлар тўғрисида”ги қарорида қишлоқ хўжалиги билан шуғулланаётган махсус кўчирилганлар учун қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш бўйича мажбуриятлар жорий этилди. Экин тури ва мажбуриятлар миқдори район ижрокомлари томонидан белгиланар эди. Махсус посёлкалар эҳтиёжи ва ҳаражатлари ҳам махсус кўчирилганлар ҳисобидан қопланиши ушбу қарорда кўрсатиб ўтилди¹. Махсус кўчирилганлар СССР Молия халқ комиссарлиги томонидан белгиланадиган алоҳида асослар бўйича умумдавлат ва маҳаллий солиқларни ҳам тўлаб туришлари лозим эди.

1931 йил ўрталарида Ўрта Осиёда 2 ва 3-тоифадаги қулоқ хўжаликлари сургун қилинган қулоқ посёлкалари 20 тадан кўпроқ эди. Алоҳида республикалар ва областларда ташкил этилган қулоқ посёлкаларидаги 1931 йил охиридаги умумий ҳолат қуйидагича бўлган:

1931 йилнинг кузигача Ўрта Осиё республикаларидаги махсус кўчирилганлар майда гуруҳлар ҳолида турли районларга тарқатиб юборилган. Доимий турар жойлар бўлмаган, сургун қилинганлар чайла ва чодирларда, ертўлаларда яшаганлар. 1931 йил охирларида бошқа минтақалардан сургун қилиб келтирилган ва ички кўчирилганлардан иборат 1000 оила иситиладиган умумий бараклар қурилган 5та посёлкага жойлаштирилган. Доимий турар жойлар қурилишини 1932 йил мавсумида тугаллаш режалаштирилган. Посёлкалар аҳолисига тиббий хизмат кўрсатиш йўлга қўйилган, касалхона, амбулатория, тиббий персонал ва дори-дармонлар билан етарлича таъминланган. Ҳар бир посёлкада дезинфекция камералари қурилган. Посёлкаларда ичимлик суви бўлган. 1931 йил охиригача посёлкаларда 182 та ўлим қайд қилинган, улардан 118 таси болалар бўлган².

Махсус кўчирилганлар ишчилар кооперативи томонидан ташкил қилинган умумий ошхоналарда овқатланганлар, лекин овқат нархлари барча учун қаноатланарли бўлмаган. Посёлкаларда дўкончалар очилган, лекин маҳсулотлар келтиришда узилишлар бўлиб турган. Саноат моллари умуман бўлмаган, бу каби моллар таъминоти ОГПУ лагерлари орқали қисман йўлга қўйилган. Мактабгача ёшдаги болаларни овқатлантириш ташкил қилинган.

Пахта терими мавсумида меҳнатга яроқлилар билан бир қаторда ўсмирлар ҳам ишга жалб қилинган. Пахта терими бўйича нормалар 70-80 фоизга бажарилган. Айрим посёлкаларда махсус кўчирилганлар эркин ишчиларга нисбатан яхшироқ норма бажарганлар. Пахта терими бўйича бригадалар ташкил этилиб, бригадалар ўртасида ўзаро

¹ Трагедия советской деревни: коллективизация и раскулачивание. Т.2. – С. 328.

² Трагедия среднеазиатского кишлака: коллективизация, раскулачивание, ссылка. Т.2. – С. 320.

мусобақа ўтказилган. Октябрь байрами тантанаси кунда нормаларни ошириб бажарган махсус кўчирилганлардан 12 киши махси ва этик билан тақдирланган. Махсус кўчирилган аёллардан бири кунлик норма 38 кг бўлгани ҳолда 140 кг пахта териб, Ўрта Осиё бўйича рекорд даражага эришган¹.

Баҳорги экин мавсумига махсус кўчирилганлардан 200 та тракторчи тайёрлаш, ёшлардан 10 кишини тиббий курсларга юбориш режалаштирилган. Посёлкаларда ёшлардан иборат тикувчилик, косибчилик устахоналарини ташкил этиш бошланган ҳамда дала ишлари бўйича курслар очилган².

1932 йил 6 майда махсус кўчирилганларнинг уставсиз қишлоқ хўжалик артелларини ташкил этиш бўйича йўриқнома тасдиқланди. Унда уставсиз қишлоқ хўжалик артеллари алоҳида махсус кўчирилган хўжаликларни ўзаро бирлаштириш асосида тузилиши ҳамда ерга ишлов беришни, қишлоқ хўжалик асбобларини, ишчи хайвонларини, хўжалик биноларини умумлаштирган ҳолда қишлоқ хўжалик фаолияти олиб борилиши кўрсатилди. Томорқа хўжалигидан эса яқка ҳолда фойдаланиш белгиланди.

Артелнинг ҳар бир аъзоси артелнинг хўжалик ишларида шахсан қатнашиши, комендатура томонидан белгиланган меҳнат шартлари ва мажбуриятларини тўла бажариши шарт бўлган. Артель аъзолари “меҳнати билан ўзини кўрсатиш” ҳуқуқига эга эди³. Артелнинг маблағлари аъзолик бадалларидан, аъзоларнинг кўнгилли равишда тақдим этган омонатларидан, хўжалик ташкилотларидан ишлаб топилган ҳақлардан, давлатдан ёки хўжалик ташкилотларидан олинган пул-натура шаклидаги ссудалардан, артелга топширилган мулкларнинг қийматидан шакллантирилган. Аъзолик бадали артелга кириш бадали бўлиб, унинг энг кам миқдори 5 сўм бўлган⁴.

Артель аъзоларига ҳақ тўлаш унга аъзо бўлган оиланинг ишчи кучи сони ва қилган меҳнатига қараб белгиланган. Аъзоларга ҳақ тўлаш ва меҳнатга яроқсизларни таъминлаш тартиби қуйидагича белгиланган:

а) йил давомида пул ва маҳсулот артель маблағларидан белгиланган норма бўйича, лекин иш кунларида топилган ҳақнинг 50 фоизидан кўп бўлмаган миқдорида бериб борилган;

б) хўжалик йилининг охирида аъзолар иш ҳақлари ҳисобида қолган пул ва маҳсулотни биратўла олганлар⁵.

¹ Трагедия среднеазиатского кишлака: коллективизация, раскулачивание, ссылка. Т.2. – С. 320.

² Трагедия среднеазиатского кишлака: коллективизация, раскулачивание, ссылка. Т.2. – С. 320.

³ Трагедия советской деревни: коллективизация и раскулачивание. Т.2. – С. 412.

⁴ Ивницкий Н.А. Судьба раскулаченных в СССР. – С. 155.

⁵ Ўша жойда. – Б. 156.

Артелнинг бошқарув ишлари аъзоларнинг умумий йиғилишида бир йил муддатга сайланган ва посёлка комендатураси томонидан тасдиқланган вакил томонидан юритилган. Артелнинг хўжалик ва бошқа масалаларини ҳал қилишга бағишланган умумий йиғилишлар комендант руҳсати билангина чақирилган. Умумий йиғилиш қарорлари комендатура томонидан тасдиқланганидан кейингина ҳақиқий ҳисобланган. Умумий йиғилиш ваколатига қуйидагилар кирган:

- а) вакилни сайлаш ва унинг йўриқномасини тасдиқлаш;
- б) артелнинг ички тартиб-қоидаларини тасдиқлаш;
- в) артелга аъзолар қабул қилиш ёки аъзоликдан чиқариш;
- г) йиллик ишлаб чиқариш режаларини, даромад ва ҳаражатлар сметасини, вакилнинг ҳисоботларини тасдиқлаш;
- д) контрактация бўйича ҳамда меҳнат мусобақалари бўйича шартномаларни кўриб чиқиш ва тасдиқлаш;
- е) қишлоқ хўжалик кампаниясини ўтказиш бўйича режаларни тасдиқлаш;
- ж) вакилга эътироз ва шикоятлар билдириш;
- з) артелнинг вакил бошқаруви доирасига кирмаган даромадларини тақсимлаш¹.

Махсус кўчирилганларнинг қишлоқ хўжалигидаги меҳнати самарадорлигини ошириш учун улар ўртасида ўзаро мусобақалар ташкил этиб борилган, бу каби ишларга артель вакиллари умумий раҳбарлик қилганлар.

1930-1932 йилларда Ўрта Осиё республикаларига, хусусан, Ўзбекистонга сургун қилинган қулоқ хўжаликлари асосан янги ташкил қилинган совхозларда меҳнат қилишлари учун “Средазсовхозхлопок” трести тасарруфига берилган эди. Шунинг учун бу йилларда минтақадаги махсус посёлкаларда уставсиз қишлоқ хўжалик артеллари ташкил этиш амалиёти кенг татбиқ этилмаган. 1931-1933 йилларда Ўрта Осиёда фақат битта қишлоқ хўжалик артели фаолият кўрсатган бўлиб, бу артель 1931 йилда Тошкент округи Бекобод районида ташкил қилинган. Бу артель Пушкино қишлоғида №4 меҳнат посёлкаси базасида ташкил қилинган². 1934 йилдан эътиборан, Ўрта Осиё республикаларига бошқа ўлкалардан сургун қилинганлар контингенти жойлаштирилиши муносабати билан, бу хўжаликлардан уставсиз қишлоқ хўжалик артеллари ташкил этиш кенг жорий этилади. Жумладан, 1934 йилда Қирғизистонда 1 та, 1935-1938 йилларда Тожикистон-да 20 та уставсиз қишлоқ хўжалик артеллари ташкил қилинган³.

Махсус кўчирилганлар меҳнатидан қишлоқ хўжалигида фойдаланиш ОГПУ-НКВД органларининг хўжалик ташкилотлари билан тузган шартномалари асосида олиб борилди.

¹ Ивницкий Н.А. Судьба раскулаченных в СССР. – С. 156-157.

² Шамсутдинов Р. Қишлоқ жожеаси: жамоалаштириш, фулоқлаштириш, сургун. 467-бет.

³ Трагедия среднеазиатского кишлака: коллективизация, раскулачивание, ссылка. Т.2. – С. 238.

Махсус кўчирилганлар меҳнатга ҳақ тўлаш ва бошқа меҳнат шартлари бўйича эркин ишчи-хизматчиларга айрим истиснолар билан тенглаштирилдилар. Чунончи, махсус кўчирилганлар касаба уюшмаларига қабул қилинмас эдилар, шунингдек, уларнинг иш ҳақларидан 5 фоизи махсус посёлкаларга маъмурий хизмат кўрсатиш харажатлари учун ушлаб қолинар эди.

Ўрта Осиё меҳнат посёлкаларидаги “собик кулоқлар” қишлоқ хўжалик соҳасида оғир шароитлар остида машаққатли меҳнат қилиб, юқори натижаларга эришганлар. 1936 йилда Ўзбекистонда пахтачилик билан машғул бўлган меҳнат кўчкдиларидан 1986 таси белгиланган нормани 100-150%, 145 таси 150-200%, 66 таси 200-300%, 20 таси 300% дан орттириб бажарган. Пахта терими бўйича “мингчилар ҳаракати”га қўшилган меҳнат кўчкдилари нормада белгиланган 7,5 гектар ўрнига 13-18 гектар ерга ишлов берганлар. “Узсадвинтрест” тасарруфидаги боғдорчилик-узумчилик совхозларида ишлаган меҳнат кўчкдиларининг барчаси нормани 100% дан кам бажармаганлар¹.

1936 йил баҳоридаги экин мавсуми меҳнат посёлкаларида ўз вақтида яқунланган. Мавсумда бутун меҳнат посёлкаларида 83499 гектар ерга кузги буғдой, 88923 гектар ерга баҳорги буғдой, 56326 гектар ерга ёрма ва дуккакли экинлар, 68946 гектар ерга дон-хашак экинлари, 21044 гектар ерга пахта, 15709 гектар ерга техника экинлари, 34177 гектар ерга картошка, 10225 гектар ерга сабзавот экинлари, 2694 гектар ерга чорва озукаси экинлари экилган, 20470 гектарлик пичанзор тайёрланган. Умуман, 1936 йилда 402.012 гектар ерга экин экилган бўлиб, бу 1935 йилга нисбатан 104 фоизни ташкил қилган².

1936 йилда Ўрта Осиёдаги меҳнат кўчкдиларига давлатга 1.988.754 пуд ғалла, 164.160 пуд пахта топшириш мажбурияти белгиланган. 1936 йил 1 сентябридаёқ пахта топшириш мажбурияти тўла бажарилган³.

1938 йил бошларида меҳнат посёлкаларида 1058 та уставсиз қишлоқ хўжалик артеллари бор эди. Жумладан, Ўрта Осиё махсус посёлкаларида 22 та қишлоқ хўжалик артели бўлиб, улар республикалар бўйича қуйидаги таркибда эди: Ўзбекистонда 1 та қишлоқ хўжалик артели бўлиб, унда 264 оила (661 киши) бирлашган; Қирғизистонда 1 та қишлоқ хўжалик артели ташкил қилинган, унда 227 оила (1062 киши) аъзо бўлган; Тожикистонда эса қишлоқ хўжалик артеллари сони 20 та бўлган ва уларда 2847 оила (9027 киши) бирлашган⁴. Уставсиз қишлоқ хўжалик артеллари колхозлар фаолияти принципида ташкил қилинган бўлиб, уларга маҳсулот етиштириш бўйича давлат мажбуриятлари колхозларга белгиланган норма миқдорида белгиланган. Шунингдек, МТСларга натура

¹ История Сталинского ГУЛАГа. / Т.5. Спецпереселенцы в СССР. – С. 228-229.

² История Сталинского ГУЛАГа. / Т.5. Спецпереселенцы в СССР. – С. 229.

³ Ўша жойда.

⁴ Трагедия среднеазиатского кишлака: коллективизация, раскулачивание, ссылка. Т.2. – С. 238.

тўлови ва қишлоқ хўжалик солиқлари бўйича ҳам артеллар колхозларга тенглаштирилган. Якка ҳолда деҳқончилик қилаётган меҳнат кўчкдилари учун эса эркин якка деҳқон хўжаликларига белгиланган давлат мажбуриятлари татбиқ этилган¹.

Ўзбекистондаги Дзержинский номидаги уставсиз қишлоқ хўжалик артели 1931 йилда Тошкент округи Бекобод районида ташкил қилинган. Бу артель Пушкино қишлоғида №4 меҳнат посёлкаси базасида ташкил қилинган. 1935 йилда бу қишлоқ хўжалик артелида 984 киши бўлиб, улардан 347 нафари артелнинг доимий аъзоси бўлган. Бу меҳнат посёлкасида артелга аъзо бўлмаган якка деҳқон хўжаликлари ҳам бўлган. 1938 йилда мазкур қишлоқ хўжалик артелида меҳнат кўчкдиларининг умумлаштирилган чорва ҳайвонлари 153 та от, 73 та сигир, 63 та буқа, 128 та бузоқ, 604 та қўй, 34 та эчки, 37 та чўчка ва 3 та эшак бўлган. Артель аъзолари 1938 йилда 16,5 гектар ерга ғалла, 18 гектар ерга маккажўхори, 17 гектар ерга сабзавот, 575 гектар ерга пахта, 358 гектар ерга чорва ҳайвонлари учун озуқа экканлар. 32 гектар ерда мевали боғ ва узумзор ташкил қилинган.

Қирғизистондаги қишлоқ хўжалик артели Беловодский районида 1934 йилда ташкил қилинган, артель аъзолари пахтачилик ва лавлагичилик билан шуғулланганлар. Тожикистон меҳнат посёлкаларидаги қишлоқ хўжалик артеллари сургун қилинган оилаларнинг ҳаммасини ўзида бирлаштирган. Артелларнинг 12 таси 1935-1936 йилларда Вахш водийсида ташкил қилинган бўлиб, артель аъзолари янги ўзлаштирилган ерларда пахтачилик билан шуғулланганлар.

1938 йилда мамлакат бўйича меҳнат посёлкаларида 48158 хўжалик (169842 киши) қишлоқ хўжалиги билан машғул бўлди². Ўрта Осиёдаги махсус кўчирилганларнинг асосий қисми кўриқ ва бўз ерларда янги ташкил қилинган совхозларда меҳнат қилдилар. Уларнинг бундай сувсиз, қурғоқчил ерларда яшаб қолиши, шароитларга мослашиши оғир кечди. Ирригация тармоқлари барпо этилмаган бундай жойларда деҳқончилик қилиш тугул, кун кечиришнинг ўзи жуда қийин эди. Шундай оғир шароитлар остида 1938 йилгача махсус кўчирилганлар томонидан Ўзбекистонда 986 гектар, Қирғизистонда 10920 гектар, Тожикистонда эса 8865 гектар кўриқ ва бўз ерлар ўзлаштирилди. Шунингдек, 1938 йилгача махсус кўчирилганлар меҳнати билан 9545 гектар қурғоқчил ерларга сув чиқарилди. Жумладан, Тожикистонда 6070 гектар, Қирғизистонда 2900 гектар, Ўзбекистонда 575 гектар ер суғориб экишга тайёрланди³.

Махсус кўчирилганлар хўжалик қурилиши учун давлат томонидан берилган кредит ва ссудаларни қайтаришлари ҳам лозим эди. 1937 йилда махсус кўчирилганлар 10.459.481

¹ Трагедия среднеазиатского кишлака: коллективизация, раскулачивание, ссылка. Т.2. – С. 233.

² Трагедия среднеазиатского кишлака: коллективизация, раскулачивание, ссылка. Т.2. – С. 239.

³ Земсков В.Н. Спецпоселенцы в СССР. – С. 53-54.

сўмлик ссудаларни тўладилар, 1938 йил 1 январидан ссудалардан қолган қарз 68.163.489 сўмни ташкил қилди¹.

1938 йилнинг 1 январидан мамлакатдаги махсус посёлкаларда 880007 меҳнат кўчкисиди бўлиб, улардан 420615 таси меҳнатга яроқлилар (47,8 %), 459392 таси меҳнатга яроқсизлар (52,2 %) эди. Меҳнатга яроқлиларнинг 353927 таси иш билан банд бўлган.

Ўзбекистон ССР меҳнат посёлкаларида сургун қилинганларга бериладиган маошлар жуда оз бўлган. Бу озгина маош ҳам аксари ҳолларда кеч берилган, арзимаган сабаблар билан жарималар ушлаб қолинган. Маошларнинг ўз вақтида берилмаслигига кўп ҳолларда совхозлар маъмурияти сабаб бўлган. Бу ҳам етмагандай, меҳнат кўчкисидилари ойлик иш ҳақининг 5 фоизи доимий равишда олиб қолиниб, ЎзССР НКВД Меҳнат тузатув лагерлари бошқармасининг (УИТЛ) молия бўлимига ўтказилган. Меҳнат кўчкисидилари меҳнати эвазига оладиган маошларидан солиқ ва бошқа турли тўловлар ҳам тўлаб турганлар.

Сургун қилинганларнинг иш ҳақлари турли посёлкаларда меҳнат унумдорлигига қараб турлича белгиланган. “Далварзин” совхозиданги №10 посёлкада ўртача кунлик иш ҳақи 5 сўм 94 тийин, боғдорчилик совхозидан 4 сўм 83 тийин, пахтачилик илмий тадқиқот институти тажриба станциясида 5 сўм 45 тийинни ташкил этган. “Боёвут” совхозидан меҳнат посёлкасидаги пахтакор “қулоқ”ларнинг кундалик иш ҳақи 5 сўм 95 тийинни, сувчиларнинг кунлик иш ҳақи эса 7 сўм 50 тийинни ташкил қилган².

Пахтачилик билан машғул бўлган меҳнат кўчкисидилари учун СССР Ер ишлари Халқ Комиссарлиги томонидан белгиланган бир киши учун кунлик норма қуйидагича бўлган: ғўзани чеканка қилиш - 0,20-0,30 гектар, суғориш - 0,5-0,75 гектар, пахта териш - 40-60 кг, кўсак териш - 50-80 кг, кўсак чувиш - 15-20 кг, ғўзапоя ўриш - 0,25-0,30 гектар³.

Меҳнат посёлкаларида стахановчилик ҳаракати, ўзаро мусобақа, зарбдорлик каби меҳнат унумдорлигини оширувчи усуллар ҳам йўлга қўйилган. Бу маълум даражада ижобий самаралар ҳам берган. Масалан, 7-сон меҳнат посёлкасида (“Савай” совхозидан) Пирмухамедов кунлик нормани 215 фоиз ва ундан ошириб бажарган. Шу посёлкадан Жўра Дўстов эса нормани 185 фоизга бажарган. Умуман, “Савай” совхозидан “собик қулоқлар”дан ташкил қилинган 13 та пахтачилик бригадасининг барчаси 1938 йилда гектаридан 30 центнерга етказиб пахта етиштириш мажбуриятини олган⁴.

¹ Трагедия среднеазиатского кшшлака: коллективизация, раскулачивание, ссылка. Т.2. – С. 245.

³ Абдуллаев М.Ғ. Ўзбекистонда советларнинг “қулоқ” қилиш сиёсати ва унинг фожияли оқибатлари (1929-1945 йиллар). //Тарих фан. ном. диссертацияси. Тошкент, 2002. 135-136-бетлар.

³ Ўша манба. 137-бет.

⁴ Ўша ерда.

Меҳнат кўчиндилари учун иш ҳақлари ҳар икки ҳафтада берилиши керак бўлгани ҳолда амалда маошларни кечиктириб бериш одат тусига кирган. Айниқса, “Далварзин” совхозидagi №6 посёлкада ишчиларнинг иш ҳақлари 2-3 ойлаб кеч берилган.

“Ўзсовхозхлопок” тизимидаги совхозлар ҳудудидаги меҳнат посёлкаларида меҳнат кўчиндиларига 20 сотихдан шахсий томорқа участкалари ажратиб берилган. Бу томорқаларда асосан, маккажўхори, картошка ва бошқа сабзавот экинлари етиштирилган. Баъзи бир посёлкаларда меҳнат кўчиндилари учун томорқалар яшаб турган жойларидан 3-5 км узоқ ердан ажратилган. Бу эса уларнинг томорқаларига бориб-келиш ва унга ишлов беришида маълум қийинчиликлар туғдирган. Кўпгина хўжаликлар масофа узоқлиги туфайли томорқаларни қаровсиз ташлаб қўйганлар. Бу каби ҳолатлар кўпроқ 6-сон посёлкада ва Сталин номли совхоздаги 3-сон посёлкада кузатилган¹.

Совхозлардаги меҳнат посёлкаларида умумий овқатланиш ҳам яхши ташкил қилинмаган. Айниқса “Далварзин” совхозидagi меҳнат посёлкасида аҳвол жуда ёмон бўлган. Бу ерда фақат битта умумий ошхона ташкил қилинган бўлиб, у ҳам марказий хуторда жойлашган. Бошқа хуторларга масофа узоқлиги боис, меҳнат кўчиндилари бригадалари аъзолари тушликни даланинг ўзида нон-чой билан қилганлар. Бригадаларда тушликда иссиқ овқатлар уюштирилмаган.

1940 йилда меҳнат посёлкаларида ташкил қилинган пахтачилик бригадалари пахтадан мўл ҳосил етиштирганлар. Чунончи “Савай” совхозидagi Эргашев бригадаси 39,8 гектар ерга пахта экиб, гектаридан 38,5 центнерга етказиб пахта етиштирган ва режани 128 фоизга бажарган. Бошқа бригадаларда ҳам бу каби кўрсаткичлар қайд қилинган. Масалан Шардонов Хасан бригадаси ҳар гектар ердан 34,27 центнердан пахта етиштириб режани 124 фоизга, Усмонов бригадаси ҳар гектар ердан 34,27 центнердан пахта етиштириб режани 119 фоизга, Эрназаров бригадаси 27,5 центнердан пахта етиштириб режани 116 фоизга, Ҳамраев бригадаси 27,7 центнердан пахта етиштириб режани 145 фоизга бажарган².

Бекобод районидаги “Далварзин” совхозидagi меҳнат кўчиндилари ҳам матонат билан меҳнат қилиб 1940 йилда белгиланган пахта режасини муддатидан олдин, ортиғи билан бажарганлар. Бироқ, уларга режадан ортиқ пахта учун тўланиши лозим бўлган 83 минг сўм пул берилмаган.

1938 йил бошларида Ўзбекистон меҳнат посёлкаларида 393 бош ишчи ҳайвони, 3001 бош йирик қорамол, 240 бош чўчқа, 5587 бош қўй-эчки; Қирғизистон меҳнат

¹ Абдуллаев М.Ғ. Ўзбекистонда советларнинг “қулоқ” қилиш сиёсати ва унинг фожиали оқибатлари (1929-1945 йиллар). //Тарих фан. ном. диссертацияси. Тошкент, 2002. 138-бет.

² Абдуллаев М.Ғ. Ўзбекистонда советларнинг “қулоқ” қилиш сиёсати ва унинг фожиали оқибатлари (1929-1945 йиллар). //Тарих фан. ном. диссертацияси. Тошкент, 2002. 139-бет.

посёлкаларида 448 бош ишчи ҳайвони, 1318 бош йирик қорамол, 2004 бош чўчка, 1227 бош қўй-эчки; Тожикистон меҳнат посёлкаларида 1044 бош ишчи ҳайвони, 1147 бош йирик қорамол, 2222 бош чўчка, 3980 бош қўй-эчки бўлган¹. Меҳнат кўчкиндиларининг бу миқдордаги чорва ҳайвонларига эгалик қилиши, яъни уларнинг “бойиб” кетиши ГУЛАГ Махсус посёлкалар бўлими раҳбарларини жиддий ташвишга солган. Уларнинг НКВД раҳбарларига юборган маърузаномаларида айрим меҳнат кўчкиндиларининг 3-5 тадан сигири, 2-3 тадан оти борлиги, бу каби хўжаликлар яна қулоқ даражасига етиб қолганини маълум қилганлар. Чунки, меҳнат посёлкаларида фақат ишчи ҳайвонлари артелларга бирлаштирилган бўлиб, қолган ҳайвонлар хўжаликларнинг шахсий мулки бўлган. 1938 йил сентябрида НКВД бошлиғи Н.Ежов меҳнат посёлкаларидаги режимни кучайтириш ҳақида кўрсатма берган.

Ўзбекистон меҳнат посёлкаларидаги меҳнат кўчкиндилари ҳам маълум даражада хусусий чорва ҳайвонларига эга бўлган. Масалан, №2 “Боёвут” меҳнат посёлкасида баъзи хўжаликларнинг иккитадан сигир, 10-15 тадан қўйи бўлган. Мазкур посёлка комендантига бундай хўжаликлардан белгиланган меъёрдан ортиқча чорва ҳайвонларини давлат фойдасига мусодара қилиш, агар хўжаликлар чорва ҳайвони миқдорини яширган ёки яширинча сотиб юборган ҳолларда уларни жиноий жавобгарликка тортиш ҳақида кўрсатма юборилган.

Куйбишев номли №9 меҳнат посёлкасида эса меҳнат кўчкиндиларига тегишли 43 та сигир, 34 та бузоқ, 60 та қўй, 14 қўзи, 5 та эчки бўлган. Белгиланган меъёрдан ортиқча деб топилган 5 та қўй ва 2 та эчки давлат фойдасига мусодара қилинган².

1938 йилда меҳнат посёлкаларидаги уставсиз қишлоқ хўжалик артелларининг колхозлашиш трансформацияси жараёни асосан, ниҳоясига етди. Уставсиз қишлоқ хўжалик артеллари СССР Халқ Комиссарлари Советининг 1938 йил 9 сентябрдаги “Меҳнат кўчкиндиларининг уставсиз артелларини уставли артелларга ўтказиш тўғрисида”ги қарори билан амалдаги колхозлар шаклига келтирилди.

Меҳнат кўчкиндиларининг қишлоқ хўжалигидаги муваффақиятлари ҳақида уларнинг ишлаб чиқариш кўрсаткичларигина (ҳосилдорликнинг ўсиши, чорва ҳайвонлари сонининг кўпайиши, давлат мажбуриятлари ва солиқ тўловларининг бажарилиши) эмас, балки маҳаллий партия ва давлат органларининг маълумотлари ҳам гувоҳлик беради. 1939 йилнинг апрель-май ойларида бир қатор ўлка, область партия ташкилотлари ва НКВДнинг маҳаллий органлари СССР НКВДсига маълумот йўллаб, совхозларда ва қишлоқ хўжалик артелларида меҳнат қилиб, юқори натижаларга эришган меҳнат кўчкиндиларини 1939

¹ Земсков В.Н. Спецпоселенцы в СССР. – С. 56.

² Абдуллаев М.Ф. Ўзбекистонда советларнинг “қулоқ” қилиш сиёсати ва унинг фожиали оқибатлари (1929-1945 йиллар). //Тарих фан. ном. диссертацияси. Тошкент, 2002. 139-бет.

йилда Москвада очиладиган Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик кўрғазмасига қатнаштириш имкониятини сўраганлар. Жумладан, Ўзбекистон ССРдан “Ҳазорбоғ”, “Савай” пахтачилик совхозларининг стахановчи меҳнат кўчкдиларини, Қирғизистон ССРдан лавлагичилик совхози илғор меҳнат кўчкдиларини Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик кўрғазмасида қатнашиши тавсия қилинган¹. Лекин СССР Халқ Комиссарлари Совети 1939 йилнинг 17 июлида ушбу сўровномаларга “меҳнат кўчкдиларининг қишлоқ хўжалиги кўрғазмасида қатнашишлари мақсадга мувофиқ эмас”, деб жавоб йўллаган².

1941 йил ёзида, уруш бошланиши арафасида кулоқ оилалари сургун қилинган районларда 316211 киши ёки, барча махсус кўчирилганларнинг 33,6 фоизи қишлоқ хўжалиги билан шуғулланар эди. Улардан 261007 киши қишлоқ хўжалик артелларида, 26840 киши совхозларда, 28364 киши СССР Ер ишлари комиссарлигининг турли хўжалик ташкилотларида меҳнат қилмоқда эдилар. Қишлоқ хўжалигида банд бўлганларни 1935 йилги ҳолат билан таққослаганда уларнинг сони 130 минг кишига қисқарган. Бу ҳол 16-18 ёшга тўлган махсус кўчирилганларнинг посёлкалардан озод қилиниб, ўқишга ёки ишга жойлашиш учун бошқа ерларга жўнаб кетганлиги билан изоҳланади. Зеро, 1941 йилнинг биринчи ярмида бундайлар 17038 кишини ташкил этган эди.

Умуман, уруш арафасида Ўзбекистондаги меҳнат посёлкаларида қишлоқ хўжалиги соҳасида меҳнат қилаётган собиқ кулоқлар хўжалик жиҳатдан тўла уюштирилиб бўлинган ва улар ўзларини моддий жиҳатдан ҳам бирмунча тиклаб олган эдилар. Бироқ бошланиб кетган уруш уларнинг тақдирини ҳам тубдан ўзгартириб юборди.

¹ Трагедия среднеазиатского кишлака: коллективизация, раскулачивание, ссылка... Т.2. – С. 254.

² Ивницкий Н.А. Судьба раскулаченных в СССР. – С. 181.

ХУЛОСА

Миллий истиқлол ўзбек халқи маънавиятини қайта тиклаш ва бойитиш учун кенг истиқболли йўллари очиб берди. Бу борада Ватан тарихини қайтадан, ҳаққоний тарзда яратиш муҳим ўрин тутади. Ҳаққоний тарих миллатнинг маънавиятига куч-қудрат қўшиб, миллий ғурурини уйғотади. Зеро «биз юртимизни янги босқичга, янги юксак маррага олиб чиқмоқчи эканмиз, бунда бизга ёруғ ғоя керак. Бу ғоянинг замирида халқимизнинг ўзлигини англаши ётади. Ҳаққоний тарихни билмасдан туриб эса ўзликни англаш мумкин эмас»¹.

Ватан истиқлоли туфайли юзага келган тарих фани олдидаги имкониятлардан фойдаланиб, Ўзбекистон тарихининг долзарб ва муҳим даврига оид мавзуни тадқиқ этишга жазм этдик. Мазкур мавзу Ўзбекистонда 1930 йилда советлар ҳокимияти томонидан амалга оширилган қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш жараёнида қулоқ сифатида тугатилган ва сургун қилинган қулоқ хўжалиқларининг махсус меҳнат посёлкаларидаги меҳнат фаолияти тарихига алоқадор бўлиб, мазкур мавзуни таҳлил этиш асосида умумий хулосалар чиқаришга муваффақ бўлинди.

Ўзбекистоннинг яқин ўтмиши – 1930 йиллар тарихини, хусусан коллективлаштириш, қулоқ қилиш, қулоқлар сургуни билан боғлиқ масалаларнинг ўзига хос жиҳатларини таҳлил қилиш, ўтмиш фожиаларидан хулоса чиқариш, ўзбек қишлоғи ривожланиш жараёнидаги зиддиятларнинг пайдо бўлиш сабабларини тушуниб етиш муҳим аҳамиятга эга. Айниқса, совет давлатининг қулоқ қилиш амалиёти натижасида кўпгина деҳқон хўжалиқларини қатағон қилиб, хонавайрон этишдек мудҳиш сиёсатидан ва унинг оқибатида юз берган салбий ҳолатлардан асло кўз юмиб бўлмайди.

Ушбу диссертацияда совет ҳукуматининг Ўзбекистонда амалга оширган қулоқлаштириш сиёсати ва унинг оқибатлари, қулоқлар сургун қилинган махсус меҳнат посёлкаларининг ўзига хос тузилиши холисона, янгича ёндошувлар бўйича таҳлил қилинди, меҳнат посёлкаларида юз берган ижтимоий ўзгаришлар фактик ҳужжатлар, далиллар асосида ёритиб беришга ҳаракат қилинди. Диссертацияда таърифлаб берилган масалага доир умумлаштирилган хулосалар қуйидагилардан иборат:

Совет ҳокимиятининг миллий республикаларда амалга оширган коллективлаштириш, қулоқлаштириш сиёсати ўта қаттиққўллик билан, қонунбузарлик ва зўравонлик усулларини кенг қўллаган ҳолда амалга оширилди. Ўзбекистон ССР раҳбарияти ва маҳаллий ОГПУ-НКВД органлари марказнинг бу сиёсатини ўзига хос

¹ Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Т., «Шарк», 1998. 29-бет.

«инкилобий» кескинлик ва сабрсизлик билан амалга оширишга ҳаракат қилди. Оқибатда ўзбек қишлоғидаги кўплаб деҳқон хўжаликлари хонавайрон қилинди, хўжалиги тугатилиб, оила аъзолари билан бошқа минтақаларга ва Ўзбекистоннинг чекка районларидаги махсус посёлкаларга сургун қилиб юборилди.

Комфирқа ва совет давлатининг ўзбек қишлоғида юритган сиёсатининг салбий кўринишларидан бири бу қишлоқда синфий зиддиятларни авж олдириш бўлди. Қишлоқнинг турли ижтимоий табақага мансуб қатламлари сунъий равишда бир-бирига гиж-гижланди, улар орасига адоват уруғлари сочилди.

Совет давлати қулоқ оилаларини сургун қилишда ҳам маълум мақсадларни кўзлаб иш тутди. Чунончи, мустабид тузум қулоқларнинг арзон меҳнати билан мамлакатнинг ўзлаштирилмаган, кимсасиз ҳудудларини ўзлаштириш ва бу ерларда қишлоқ хўжалигини йўлга қўйишни мўлжаллаган эди. Бу амалиёт Ўзбекистонда ҳам йўлга қўйилди. Сургун қилинган қулоқлар республикада 1930 йилда ташкил қилинган совхозларнинг дастлабки ишчи кучини ташкил қилди. Бу совхозлар асосан чекка, янги ўзлаштирилаётган районларда ташкил қилинган эди.

Қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш ва қулоқлаштириш сиёсати, қишлоқдаги ижтимоий табақаларга қўлланган турлича муносабат ўзбекларнинг миллий хусусиятларига, одат-анъаналарига жиддий путур етказди. Ўзбек деҳқонларининг ерга, меҳнатга бўлган илиқ, самимий туйғуси кўполлик билан топталди. Меҳнатдан манфаатдорлик ҳисси тамоман йўқолди. Бу ҳолат яқин йилларгача ўзининг салбий оқибатлари билан намоён бўлиб келди.

Меҳнат посёлкаларига сургун қилинган оилаларнинг бу ердаги тақдири жуда оғир кечди. Улар бу ердаги оғир шароитлар остида минг машаққатлар билан пахтачилик соҳасида меҳнат қилдилар. Улар пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришда ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшдилар.

Бугунги кунда Ўзбекистонда маънавий қадриятлар қайта тикланаётган шароитда, бу борада улкан ишлар амалга оширилаётганини эътиборга олган ҳолда тадқиқот натижаларидан келиб чиқиб, диссертацияда бир неча таклиф ва тавсиялар илгари сурилди:

1. Мустақиллик йилларида советлар даврида амалга оширилган аграр ўзгартиришлар ва унинг оқибатлари тарихини ёритишда бирмунча ижобий ишлар қилинди, бироқ бу кўп қиррали, зиддиятли масалаларни янада чуқурроқ, кенгрок, ҳар тарафлама ўрганиш, тадқиқ ва таҳлил этиш мақсадга мувофиқдир.

2. Советлар амалга оширган қулоқлаштириш сиёсати ва унинг оқибатлари моҳиятини таҳлил этиш, салбий оқибатларини ўрганиш асосида бугунги кунда республикамизда ўтказилаётган аграр ислохотларни оқилона ҳал этиш, янги ташкил этилаётган деҳқон фермер хўжаликларига кенг имкониятлар яратиб бериш лозим.

3. Республикамиз таълим тизимининг турли босқичларида Ўзбекистондаги коллективлаштириш, қулоқ қилиш, қулоқлар сургуни ва унинг оқибатлари мавзусига бағишланган илмий-амалий конференциялар ва семинарлар ташкил этиш мақсадга мувофиқдир.

Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати

1. Президент И.А. Каримов асарлари

1. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. – Т.: «Ўзбекистон», 1992.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. – Т.: «Ўзбекистон», 1993.
3. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. – Т.: «Ўзбекистон», 1995.
4. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Т.: «Ўзбекистон», 1997.
5. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т. 3. – Т.: «Ўзбекистон», 1996.
6. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. – Т.: «Шарқ», 1998.
7. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: “Маънавият”, 2008.

2. Нашр қилинган архив ҳужжатлари ва материаллари

1. История Сталинского ГУЛАГа. Конец 1920-х – первая половина 1950-х годов. Собрание документов в 7-ми томах. / Т.5. Спецпереселенцы в СССР. /Отв. ред. и сост. Т.В.Царевская-Дякина. – М.: «РОССПЭН», 2004. – 872 с.
2. Коллективизация сельского хозяйства. Важнейшие постановления Коммунистической партии и Советского правительства. 1927-1935. – М.: Изд. АН СССР, 1952.
3. Репрессия 1937-1938 годы. Документы и материалы. Выпуск 1. /Сост.: Р.Т.Шамсутдинов, Н.Ф.Каримов, Э.Ю.Юсупов. – Т.: «Шарқ», 2005. – 288 с.
4. Репрессия 1937-1938 гг. Документы и материалы. Под. ред. Н.Ф. Каримова. /Сост.: Р.Т. Шамсутдинов, Э.Ю. Юсупов, А. Мамажонов, Э. Дусматов. Выпуск 3. Жертвы большого террора из Узбекистана. 1937 год ноябрь. – Т.: «Шарқ», 2007. – 496 с.
5. Репрессия 1937-1938 гг. Выпуск 4. Жертвы большого террора из Узбекистана. 1937 год, декабрь. /Отв. ред. Каримов Н.Ф., Шамсутдинов Р.Т. //Сост.: Р.Т. Шамсутдинов, М. Абдуллаев, Э. Дусматов, Х. Курбанов. – Т.: «Шарқ», 2008. – 576 с.

6. Советская деревня глазами ВЧК-ОГПУ-НКВД. 1918-1939. Документы и материалы. В 4-х томах. / Т.3. 1930-1934 гг. Кн. 1. 1930-1931 гг. /Под ред. А.Береловича, В.Данилова. – М.: «РОССПЭН», 2003. – 864 с.
7. Среднеазиатский кишлак в годы большого террора. Документы и материалы. /Сост.: Р.Т.Шамсутдинов, Э.Ю.Юсупов, С.Хошимов, Э.П.Дусматов. – Андижан: Изд. АндГУ, 2007. – 500 с.
8. Трагедия советской деревни. Коллективизация и раскулачивание. Документы и материалы в 5 томах. // Главный редакционный совет: В.П.Данилов, Р.Маннинг, Л.Виола. /Т.1: май 1927-ноябрь 1929. – М.: 1999; Т.2: Ноябрь 1929 - декабрь 1930. – М.: 2000; Т.3: 1931-1933. – М.: 2001; Т.4: 1934-1936. – М.: 2002; Т.5: кн.1-2. – М.: 2004-2006.
9. Трагедия среднеазиатского кишлака: коллективизация, раскулачивание, ссылка 1929-1955 гг. Документы и материалы. I-II-III том. /Составители: проф. Р.Т.Шамсутдинов, к.и.н. Б.М.Расулов. Под ред. проф. Д.А.Алимовой. – Т.: «Шарк», 2006. Т.1. 656 с; Т.2. 496 с; Т.3. 352 с.
10. Шамсутдинов Р. Қатағон қурбонлари (1937 йил 10 август-5 ноябрь) Иккинчи китоб. – Т.: «Шарк», 2007. – 496 б.
11. Қатағон қурбонлари (1938 йил февраль, сентябрь). Бешинчи китоб. / Таҳрир хайъати Р.Шамсутдинов ва бошқ. //Тузувчилар гуруҳи: Р.Шамсутдинов, Х.Қурбонов, Ж.Расулов, Ф.Эгамбердиев, У.Бекимметов. – Т.: «Шарк», 2009. 416 б.

3. Адабиётлар

1. Абдуллаев М. Ўзбекистондаги «қулоқ» посёлкалари. //«Ижтимоий фикр. Инсон ҳуқуқлари», 2004, №2.
2. Абдуллаев М. Ҳазорбоғ меҳнат посёлкаси. //«Ўзбекистонда демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари», 2005. №3-4.
3. Абдуллаев М. Этник депортацияларнинг қатағончилик моҳияти. // «АДУ Илмий хабарномаси». 2010. № 1. 65-69-бетлар.
4. Абдуллаев М. Қулоқлар сургуни ва махсус посёлкалар. // «Жамият ва бошқарув» 2010. № 1. 96-98-бетлар.
5. Абдуллаев М. Сургун қилинган қулоқларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари. // «Жамият ва бошқарув» 2010. Махсус сон. 122-126.
6. Абдуллаев М. Деҳқон хўжалиқларини қулоқ қилишда ОГПУ органларининг роли. // «АДУ Илмий хабарномаси». 2010. № 3. 59-63-бетлар.

7. Абдуллаев М., Қобилов А. Сургун қилинган қулоқларнинг 1930 йиллардаги ҳуқуқий ҳолатига доир. // Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 18 йиллигига бағишланган илмий-амалий семинар материаллари. Андижон, 2011. 121-123-бетлар.
8. Абдуллаев М. Сургун қилинган қулоқларнинг яшаш шароитлари. // БухДУ илмий ахбороти. 2011. № 1.
9. Аминова Р.Х. Из истории коллективизации в Узбекистане. // «История СССР». – М.: 1991. № 4.
10. Аминова Р.Х. Коллективизация в Узбекистане: как это было? // «Коммунист Узбекистана». 1989. № 9.
11. Аминова Р.Х. Осуществление коллективизации в Узбекистане (1929-1932 гг.) – Т.: «Фан», 1977. – 312 с.
12. Аминова Р.Х. Возвращаясь к истории коллективизации в Узбекистане. – Т.: «Фан», 1995.
13. Голованов А.А. Крестьянство Узбекистана: эволюция социального положения. 1917-1937 гг. – Т.: «Фан», 1992.
14. Данилов В.П. Коллективизация... / Переписка на исторические темы. Диалог ведёт читатель. – М.: Политиздат, 1989.
15. Данилов В.П. Коллективизация: как это было? / Страницы истории советского общества. Люди, проблемы, факты. – М.: Политиздат, 1989.
16. Джамалов О.Б. Социально-экономические предпосылки сплошной коллективизации сельского хозяйства в Узбекистане. Ташкент, 1950.
17. Земсков В.Н. Спецпоселенцы: по документации НКВД-МВД СССР. // «Социологические исследования». – М.: 1990, №11.
18. Земсков В.Н. «Кулацкая ссылка» в 30-е годы. // «Социологические исследования». 1991. №10. – С. 3-21.
19. Земсков В.Н. «Кулацкая ссылка» накануне и в годы Великой Отечественной войны. // «Социологические исследования». 1992, №2. – С. 3-26.
20. Земсков В.Н. Судьба «кулацкой ссылки». 1930-1954. // «Отечественная история». – М.: 1994, №1. – С. 118-147.
21. Земсков В.Н. Спецпоселенцы в СССР. 1930-1960. – М.: «Наука», 2003. – С. 306.
22. Ивницкий Н.А. Классовая борьба в деревне и ликвидация кулачества как класса. 1929-1932 гг. – М.: «Наука», 1972. – 360 с.
23. Ивницкий Н.А. Судьба раскулаченных в СССР. – М.: «Собрание», 2004. – С. 298.
24. Игнатова Н.М. Осуществление политики спецпереселения и изменения численности спецпереселенцев – «бывших кулаков» в середине 1930-х – 1950-е гг. // Покаяние:

- Мартиролог. Т.4. Ч.2. /Сост.: Н.М.Игнатова. – Сыктывкар: Коми книжное издательство, 2001. – С. 19-30.
25. История крестьянства СССР. История советского крестьянства. В 5 томах. / Том 2. Советское крестьянство в период социалистической реконструкции народного хозяйства. Конец 1927-1937. – М.: «Наука», 1986.
 26. История народного хозяйства Узбекистана. Т.1. – Т.: Изд. АН УзССР, 1962.
 27. История советского крестьянства и колхозного строительства в СССР. – М.: Академия наук СССР, 1963.
 28. Каримов Н., Шамсутдинов Р. Шахидлар хотираси. Сургун. – Т.: F.Ғулум номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 2000.
 29. Красильников С.А. Серп и молот. Крестьянская ссылка в Западной Сибири в 1930-е годы. – М.: «РОССПЭН», 2003. – 286 с.
 30. Мустабид тузумнинг Ўзбекистон миллий бойликларини талаш сиёсати: тарих шохидлиги ва сабоқлари. Т.: «Шарқ», 2000.
 31. Очерки истории коллективизации сельского хозяйства в союзных республиках. Сборник статей. / Под ред. В.П. Данилова. – М.: Госполитиздат, 1963. – 560 с.
 32. Переписка на исторические темы. Диалог ведёт читатель. – М.: Политиздат, 1989.
 33. Погудин В.И. Путь советского крестьянства к социализму. Историографический очерк. – М.: «Мысль», 1975.
 34. Полян П.В. Не по своей воле... История и география принудительных миграций в СССР. – М.: Мемориал, 2001.
 35. Ражапова Р.Ё. ва бошқалар. Ўзбекистон тарихи. – Т.: «Ўқитувчи», 1994.
 36. Рогалина Р.Л. Коллективизация: уроки пройденного пути. – М.: Изд. МГУ, 1989.
 37. Советское крестьянство. Краткий исторический очерк. – М.: «Наука», 1973.
 38. Сорокин П. Человек. Цивилизация. Общество. – М.: Политиздат, 1992.
 39. Страницы истории Советского общества. Люди, проблемы, факты. – М.: Политиздат, 1989.
 40. Тарихнинг хасратли саҳифалари. – Т.: «Шарқ», 2006. 304 б.
 41. Трапезников С.П. Ленинизм и аграрно-крестьянский вопрос. В 2-х томах. (3-е доп. изд.) Т. 2. Исторический опыт КПСС в осуществлении ленинского кооперативного плана. – М.: «Мысль», 1983. 591 с.
 42. Трифонов И.Я. Очерки истории классовой борьбы в СССР в годы НЭПа (1921-1937 гг.) – М.: Госполитиздат, 1960. – 279 с.
 43. Трифонов И.Я. Ликвидация эксплуататорских классов в СССР. – М.: Политиздат, 1975.

44. Финаров А.П. К вопросу о ликвидации кулачества как класса и о судьбе бывших кулаков в СССР. /История советского крестьянства и колхозного строительства в СССР. – М.: 1963.
45. Финаров А.П. К вопросу о ликвидации кулачества как класса и о судьбе бывших кулаков в СССР. – М.: 1961. – 282 с.
46. Фицпатрик Шейла. Сталинские крестьяне. Социальная история Советской России в 30-е годы: деревня. /Пер. с англ. – М.: «РОССПЭН», 2001.
47. Халқ хотираси олдида бош эгамиз. – Т.: «Шарқ», 2001. – 128 б.
48. Шамсутдинов Р.Т. Ўзбекистонда советларнинг кулоқлаштириш сиёсати ва унинг фожиали оқибатлари. – Т.: «Шарқ», 2001. – 368 б.
49. Шамсутдинов Р. Истиқлол йўлида шахид кетганлар. – Т.: «Шарқ», 2001. 415 б.
50. Шамсутдинов Р.Т. Қишлоқ фожеаси: жамоалаштириш, кулоқлаштириш, сургун (Ўрта Осиё республикалари мисолида). – Т.: «Шарқ», 2003. 544 б.
51. Шамсутдинов Р., Каримов Ш. Ўзбекистон тарихидан материаллар. (Учинчи китоб) Андижон, 2004.
52. Шамсутдинов Р. Ўзбекистон деҳқонларининг Шимолий Кавказга сургун қилиниши. // «Ўзбекистон тарихи», 2003, №1.
53. Шамсутдинов Р. Кулоқлар сургуни. // «Мулоқот», 2000, №3; №4.
54. Шамсутдинов Р., Мамажонов А. Шимолий Кавказ сургунидаги юрдошлар қисмати. – Т.: «Шарқ», 2005. 336 б.
55. Шамсутдинов Р., Акбарова М. Шимолий Қозоғистон сургунидаги юрдошлар қисмати. – Т.: «Шарқ», 2009. 224 б.
56. Шашков В.Я. Раскулачивание в СССР и судьбы спецпереселенцев. 1930-1954 гг. – Мурманск: 1996. 280 с.
57. Ўзбекистоннинг янги тарихи. К.2. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида /Тузувчилар: М.Жўраев, Р.Нуруллин, С.Камолов ва бошқ. – Т.: «Шарқ», 2000. – 688 б.
58. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 5-жилд. – Т.: 2003.

4. Авторефератлар ва диссертациялар

1. Абдуллаев М.Ф. Ўзбекистонда советларнинг «қулоқ» қилиш сиёсати ва унинг фожиаи оқибатлари (1929-1945 йиллар). // Тарих фанлари номзоди ... дисс. – Тошкент: 2002. 162 бет.
2. Мамажонов А. Коллективлаштириш жараёнида Ўзбекистон қишлоқларидан Шимолий Кавказга сургун қилинганлар. // Тарих фанлари номзоди ... дисс. автореферати. – Андижон: 2005. 30 бет.
3. Акбарова М.Л. Жизнь и судьба кулаков, высланных из Средней Азии в Казахстан (1929-1956 гг.). // Автореф. дисс.канд. ист.наук. – Ташкент: 2010. 30 с.
4. Курбанов Х.Р. Ўзбекистонда зўрлик билан ўтказилган коллективлаштириш ва унинг оқибатлари. 1929-1938 йиллар (ҳозирги Самарқанд, Навоий, Бухоро вилоятлари мисолида). // Тарих фанлари номзоди дисс. автореферати. – Тошкент: 2010. 31 б.